

Юртим —
кўксим,
Элим —
илигим.

Ўзбек халқ
мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

Kuch - bilim va tafakkurda

1931-yildan chiqra boshlagan 2010-yil 7-avgust, shanba № 62 (8295) ISSN 2010-6416

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ



Яккабоғ тумани Турон қишлоғидаги 31-мактаб жамоаси янги ўқув йилини замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган янги бинода бошлайдиган бўлди.

нун.

— 315 ўринга мўлжалланган янги мактаб биноси «Ислом тараққиёт банки» кредити ҳисобига қуриб битказилди, — дейди «Олтин бошоқ» хусусий қурилиш корхонаси раҳбари Барот Ҳалимов. — Мактаб қурилишига 1 млрд. 131 млн. сўм маблағ сарфланди. Қурилиш ишлари 2009 йилнинг август ойида бошланган бўлса, жорий йилнинг март ойида сўнги пардозлаш ишлари якунланди. Ушбу янги мактаб биноси юртимиз мустақиллигининг 19 йиллик тўйига тўғонадир.

— Мактаб биноси барча қулайликларга эга, — дея изоҳ беради мактаб директори Турсунали Муҳаммадиев. — Ўқув хоналари, кимё, физика, биология лаборатория хоналари, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, шунингдек, спорт зали, кийиш, ювиниш, тиббиёт хоналари давр талаблари даражасида жиҳозланмоқда.

Ҳа, янги мактаб қурилишидан ўқувчи-ёшлар, ўқитувчи-педагоглар, ота-оналар, умуман, барча бирдек мам-

Уктам МЕЙЛИЕВ

Бурҳон РИЗО олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги қарорига асосан, янги 2010-2011 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини мактаб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда кийим-кечак ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида жойларда махсус мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Фарғона вилоятида мактаб ярмаркалари шаҳар ва туман марказларида, шунингдек, 105та мактаб қошида ташкил этилди. Олис ва чекка қишлоқларда ҳам ўқув қуроллари ва анжомларини харид қилиш учун қулайликлар яратилди.

— Мактаб ярмаркаларини ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режага кўра, ҳар бир ҳудудда савдо қиладиган ташкилотлар аниқ белгиланган, — дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир Аҳмедов. — Ярмаркаларни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш ишларига «Ўзулгуржисавдоинвест»нинг ҳудудий савдо базалари, вилоят «Матлуботсавдо» компанияси ҳамда йирик савдо фирмалари жалб этилган. Мактаб ярмаркаларида савдога чиқарилаётган юздан ортиқ турдаги ўқув анжомларининг юқори сифатли ва арзон, кўриши ва безаклари, хусусан, ёзув дафтарларининг муқоваси миллий қадриятларимизга, халқимизнинг ахлоқий қарашлари ва маънавиятига мос бўлишига жиддий эътибор берилмоқда.

— Бу ердаги маҳсулотлар бозордаги нисбатан анча арзон, сифати ҳам яхши, — дейди фарғоналик Азиза Расулова. — Фарзандимга шу ердан барча керакли ўқув анжомлари ва буюмларни харид қилдим. Айниқса, пластик карточкалар орқали савдо қилиш имкони яратилгани бизга жуда маъқул бўлди.

М.ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган сурат.

МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

Qaror va ijro



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ЮРТИМИЗГА
КЎЗ
ТЕГМАСИНИ!

3-бет

Mustaqillikning
19 yilligi oldidan



8—9-бетлар

КУЁШГА
ТИК БОККАН
НИГОХ

12-бет

ЎҚИТУВЧИ ЯНГИЛИКЛАРГА ҲАМҚАДАМ

Тошкент вилоятида ҳам янги 2010-2011 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриш, анъанавий Август кенгашларида таълим тизимида жорий этилаётган янгиликларни ўқитувчи ва мураббийларга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда вилоят халқ таълими бошқармасида 21та ҳудудий бўлинмага бириккан туман халқ таълими бўлими вакиллари, мактаб раҳбарлари, уларнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун икки кунлик ўқув семинари ташкил қилинди.

Гуруҳларга тақсимланган таълим ходимлари навбати билан ҳар бир шўъбага жалб қилинган учун умумий ўрта таълим тизимида жорий қилинадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор бўлдилар.

— Туманимизда 54та умумтаълим мактаби

бор, — дейди Бўка ту-

ман халқ таълими бўлими методика кабинети

мудир Малика Салимова. — Уларда фаолият кўрсатаётган барча ўқитувчиларни «Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар

ходимларининг иш юк-ламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича йўриқнома», ўқувчиларнинг билимлари сифатини назорат қилишнинг янги рейтинг тизими билан тўлиқ таништириш мақсадида ҳар бир мактаб вакилини туман халқ таълими бўлимига тақлиф қилиб,

тренерликка тайёрлаймиз.

У ўз мактабига бориб, ушбу янгиликлардан ҳамкасбларини бохабар қиларди.

Ўқув-семинарда рейтинг тизими, педагогик юкламаларнинг

бажарилишини тартибга солиш борасидаги ўзгаришлар слайдлар орқали намойиш этилди.

Тадбирда мактаб методбирлашма вакиллари ҳам иштирок этиб, ўз фанлари йўналишига киритилган ўзгаришларни билиб олдилар.

Вилоят ҳудудида 888та умумтаълим мактаби, 30 мингдан зиёд ўқитувчи-мураббий бор. Тақдим қилинган тарқатма материаллар билан танишган 168 нафар таълим ходими ўз йўналишлари бўйича барча ҳамкасбларига янгиликларни етказишди.

Х.ТҲИМАНОВА

Академик ОЛЕГ ЛЕБЕДЕВ

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудолликка учради.

Машинасозлик механикаси соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Олег Владимирович Лебедев 70 ёшда вафот этди.

О.Лебедев 1940 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1962 йили Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ҳозирги Тошкент ирригация ва мелиорация институти)ни тугатиб, ушбу билим масканида кафедра ассистенти сифатида иш бошлади. 1968 йилда номзодлик, 1980 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1987 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

О.Лебедев ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент ирригация ва мелиорация институти проректори, собиқ Иттифоқ кишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ўрта Осиё бўлими президиуми раиси ўринбосари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик муштаҳамлиги институти лаборатория муdiri каби лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Истеъдодли ва ташкилотчи олим 1987-1992 йилларда



Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти вазифасида хизмат қилди. У давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, 1989-1990 йиллар давомида Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати сифатида фаолият кўрсатди.

Таниқли олимнинг кишлоқ хўжалиги машинасозлиги, пахтачиликни механизациялаштириш, автотранспорт механикаси соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган ўндан ортиқ монография ва 500 дан ортиқ илмий мақолалари мамлакатимиз илм-фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб кўшилди.

Юртимизда малакали муҳандис-механик кадрлар, ёш олим ва тадқиқотчиларни тайёрлаш борасида ҳам эътиборга лойиқ натижаларга эришди. Унинг бевосита раҳбарлигида 10 нафарга яқин фан доктори ва 40 нафардан ортиқ фан номзоди тайёрланди.

Йирик олим, камтарин инсон Олег Лебедевнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУХАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ,
А.АРИПОВ, Ш.СОЛИХОВ, А.ГЛУЩЕНКО**

ЮТУҚЛАР ДАН ҚУЧ ОЛИБ...

Sarhisob

Фарғона туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабида изланувчан, тажрибали ва янгиликка интилувчан 64 нафар ўқитувчи 842 нафар ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда. Таълим муассасаси 2005-2006 ўқув йилида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида қайта қурилиб, замонавий кўриниш олди. Спорт зали тўла жиҳозланиб, ёш спортчилар учун турли тўғарақлар ташкил этилди. Кенг синф хоналари янги мебель ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. 2та замонавий компьютер хонаси ва кутубхона ўқувчилар билан гавжум.

Мана шундай эътибордан руҳланган мактаб жамоаси 2009-2010 ўқув йилида кўпгина ютуқларга эришди. Ф.Юсупова “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танлови вилоят босқичи, Х.Қодирова “Услубий тавсияномалар ва кўргазмалар куроллар” кўрик-танлови туман босқичи голиби бўлди. Кимё фани ўқитувчиси М.Турдиқованинг изланишлари туфайли 9-синф ўқувчиси К.Абдуллаева вилоят олимпиадасида фахрли 3-ўринни кўлга киритди.

Жисмоний тарбия баркамоллик, етуклик асосларидан биридир. Мактабда ташкил этилган энгил атлетика тўғараги аъзоларининг ютуқлари ҳам эътиборга молик. 9-синф ўқувчиси Рўзимат Комилов, 8-синф ўқувчиси Марям Мирзао-

лимова, 7-синф ўқувчилари Дилсўз ва Ўғилой Умаралиевалар вилоят турнирида 3-ўринни эгаллашди.

Фан ойликлари муносабати билан ўтказилган тадбирлар, кўрик-танловлар, байрам эрталиклари ўқувчилар маънавиятини юксалтиради, уларнинг миллий қадриятларимизни теран англашига хизмат қилади. Тадбирларда иштирок этган ота-оналар, меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари мактабда олиб борилаётган ишларга юксак баҳо бермоқда.

“Болага дўстона муносабатдаги мактаб” лойиҳаси бўйича иш олиб бораётган билим масканида янги педагогик технология усуллари дас жараёнида қўллаш, услубий тавсияномалар яратиш

борасида ҳам талайгина тажрибалар тўпланган. Рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Н.Қаландарова, А.Дехқонова, математика фани ўқитувчиси А.Акбаров, С.Раҳимова, кимё фани ўқитувчиси М.Холиқова ўз билим ва тажрибаларини ёш ўқитувчиларга ўргатиб келишмоқда. Бу устозларнинг иш тажрибалари туман, вилоят миқёсида оммалаштиришга лойиқ, деб топилди. Мана шундай ютуқларга эришган мактаб жамоаси “Йилнинг энг яхши мактаби” кўрик-танлови республика босқичида иштирок этиб, “Ташаббускор раҳбар ва жамоа” номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади. Ўқитувчиларнинг хизматлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Математика ўқитувчиси С.Талхаевнинг “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланиши бунинг исботидир.

— Айни пайтда таътил бўлишига қарамай, мактабда 20га яқин тўғарақлар мунтазам ишлаб турибди. Ўтган ўқув йилидаги ютуқлар жамоа зиммасига катта масъулият юклайди, янги ўқув йилида ниятларимиз кўп, — дейди мактаб директори Ш.Охунов.

МУХБИРИМИЗ

БУНЁДКОР ЁШЛАРНИНГ ТАЪТИЛ ВАҚТИ

меҳнат майдонларида ўтмоқда

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда олий таълим муассасаларида «Бунёдкор» талабалар меҳнат отрядлари ташкил этиб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан аниқланган иш ўринлари ва меҳнат объектидан келиб чиқиб, талабалардан кўнгиллилик асосида гуруҳлар шакллантирилди. Уларнинг тиббий-жисмоний имкониятлари эътиборга олинди, режалаштирилган меҳнат бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Талабалар, асосан, меҳнат объектига мутахассислиги билан боғлиқ, яъни қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари, археологик қазилмалар ҳамда кишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилди, — дейди Марказий кенгаш бош мутахассиси Сарвар Ашуров. — Ишчи кучи зарур меҳнат объекти, бўш иш ўринларини танлашда уларнинг хавфсизлиги таъминланди.

Жумладан, ФарДУ талаба-ёшларидан 113 нафари турли тадбиркорлик фирмаларига бириктирилган бўлса, Кўкон давлат педагогика институтининг 100 нафар талабаси ёғ-мой комбина-

ти, йигирив пайпоқ бирлашмаси, ободонлаштириш бошқармаси ва бошқа бир неча ташкилотларда меҳнат қилишяпти. Мазкур институт ётоқхона биноси қурилишида 27 нафар талаба банд. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали талабаларидан 95 нафар бунёдкор ёшлар вилоят алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармасида, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалидаги 30 нафар талаба-ёшлар шаҳар ДСЭНМ базаларида ишламоқда.

Биз бунёдкор ёшларнинг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институти талабалари ҳузурда бўлди.

«Бунёдкор ёш темирйўлчи» меҳнат

гуруҳи аъзолари ҳам қизгин иш устида. Улар махсус кийимлар билан таъминланган. Талабаларнинг 30 нафари «Локомотив» спорт мажмуасида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришмоқда. Бўяш, суваш ва кафель териш ишларида талабалар бор имкониятларини ишга солмоқда. Уларга талабалар уйидан жой ажратиб берилган. Институт автобуси ҳам ёшлар ихтиёрида. Тошкент — Самарқанд йўналишининг Олмазор — Чиноз участкасида эса 30 нафар талаба темир йўл атрофига тўсиқлар қуришмоқда.

— Пайвандлаш ишларида ҳам ёшлар ўзларини синаб кўраётгани қувонарлидир, — дейди институт «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Улугбек Хўжаев. — Бундай

касб уларнинг ҳаёт йўлларида асқотади.

Институтимизда амалга оширилаётган таъмирлаш-монтаж ишларида 20 нафар талаба жонқуярлик кўрсатмоқда.

— Таъмирлаш ишларида, асосан, ҳарбий тавсиянома асосида ўқишга қабул қилинган талаба-ёшлар қатнашмоқда, — дейди бунёдкор ёшлардан бири Фаррух Азимов. — Гарчи муддатли хизматга бормаган бўлсам-да, касб ўрганишга бўлган меҳр меҳнат гуруҳида иштирок этишимга туртки бўлди. — Ўтган йили «Локомотив» спорт мажмуасида ва Темир йўллар касб-хунар коллежи ўқувчилар турар жойида иш олиб борган эдик, — деб суҳбатга қўшилади Камолитдин Раҳматов. — Бу йил эса темир йўл атрофидаги тўсиқларни қуриш билан бандимиз. Биринчи бор қатнашиб, таълим даргоҳидаги ишларда ўзини муносиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган Бобомурод Хушатов ҳам мамнун. Сабаби, у бу ерда кўплаб дўстлар орттириш билан бирга, ўз эҳтиёжи учун керакли маблағга эга бўлаётир.

Анвар ҚОБИЛОВ

Тошкентда истиқомат қилаётган қадрдон дўстимнинг таклифига биноан пойтахтга ташриф буюрганимга ҳам икки кун бўлди. Муҳташам бу шаҳарнинг одамлар билан қанчалик гавжумлиги, шаҳарда киши эътиборини тортадиган хушманзара ва гўзал гўшаларнинг кўплиги, кўчаларнинг кенглигию ободлиги кишида ўзига хос бир туйғу уйғотадики, буни оддий сўз билан таърифлаш мушкул. Шундай бўлса-да, сафарим қариб Шаҳрисабзга қайтишга отландим.

— Оббо, икки кунда Шаҳрисабзни соғиниб қолдингизми дейман?! Ҳозир, сизни ажойиб бир жойга олиб бораман, — деди дўстим ўзгача бир шижоат билан.

Беихтиёр унга эргашдим. Ташқарида бизни "Матиз" кутиб турарди. Ҳайдовчи йигит бизни кўриши билан дарҳол саломлашди.

— Қани, ҳайданг, йўлда гаплашамиз, — деди дўстим бесабрлик билан.

Машина ўт олар экан, ҳайдовчи "Қайси томонга юрамиз, ака?!" — деб сўради.

— Амир Темур хиёбонига ҳайданг.

— Ўзим ҳам шу майдонни кўриш ниятида эдим, — дедим унинг таклифини қўллаб-қувватлаб.

Машина ойнасидан шаҳарнинг сўлим кўчалари, замонавий меъморчилик асосида қад кўтарган муҳташам маъмурий бинолар ва кўп қаватли уйлар бирма-бир ўтиб борарди. Айниқса, йўл четида экилган ранг-баранг анвойи гуллар бугунги Тошкентнинг бетакрор гўзаллигини намоён этиб туради. Ҳа, Тошкент айниқса, мустақилликдан сўнг жаннатмакон шаҳарга айланди, бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ.

— Ана, етиб ҳам келдик, — деди дўстим машинадан тушмоққа ҳозирланиб.

Амир Темур хиёбонига сўнгги бор 2007 йили, аниқроғи Тошкентда малака оширишда бўлганимда келган эдим. Хиёбонда шунчалик кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилганки, майдоннинг умумий кўриниши мутлақо янгича қиёфа касб этибди. Тошкентнинг рамзий курантлари, ўртада эса буюк соҳибқирон Амир Темурнинг маҳобатли ҳайкали. У гўё асрлар силсиласидан-да ғалаба қозониб, учқур отида, бугунги Тошкентнинг гўзал қиёфасига назар солаётгандек таассурот уйғотади кишида. Айниқса, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан қисқа муддатда қуриб битказилган муҳташам "Ўзбекистон" анжуманлар саройи майдоннинг салобати ва фусункорлигини янада ошириб юборибди. Бу бино буюк Соҳибқироннинг: "...агар қудратимизга шак-шубҳа қилсанг биз қурдирган биноларга назар сол" деган пурмаъно ҳикматининг яна бир исботи ҳамдир, десак асло муболага бўлмайди.

Ана шундай ўй-хаёллар билан гулзор четида ўрнатилган ўриндиқлардан бирига ўтирдик.

— Бугунги Тошкентнинг ҳар бир гўшасини Боғи Эрамнинг ўзи дейиш мумкин, — дедим ён-атрофга боқиб.

Дўстим фикримни маъқуллади.

Шу тариқа суҳбатимиз бироз чўзилди. Аммо, ора-орада мен бугун Шаҳрисабзга қайтишим зарурлигини эслатдим. Дўстимнинг таклифига биноан, анҳор бўйида жойлашган сўлим тамаддихонада суҳбатимиз давом этди. Шундан сўнг бирпасда Тошкент "Отчопари"га етиб келдик.

Одатда Тошкентдан вилоятимизнинг барча туманларига енгил автомашиналар шу ердан жўнайди. Тўғри, юртимизни ҳар бир вилояти каби Қашқадарё воҳасига ҳам жаҳон стандартлари асосида жиҳозланган тезорар поезд, самолётлар қатнови мунтазам

аёлниг дабдурустдан айтган бу гапи ҳайдовчи йигитни довдиратиб қўйди. У бирдан бошини орқага буриб, "Опажон, сиз ҳам футболга қизиқасизми?" — сўради ҳайрат билан. Унга қўшилиб мен ҳам орқага қарадим.

— Нимага қизиқмай, ахир. Хўжайиним футбол жинниси, — у шундай деди-ю нимадан-дир чўчигандек ёнида ўтирган ўғлига қараб қўйди. — Хўжайиним йигирма йилдан буён ашаддий футбол мухлиси. Келиним иккиқат, шу кунларда кўзи ёрийди. Агар келиним ўғил туғса, исмини Равшанбек қўяр эмиш. Ана сизга ишқибозликнинг кучи.

— Нима бўлибди, опажон?! Ўша йигитдек дунёга таниқли

«Eng ulug‘, eng aziz» tanloviga

Дарвоқе, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, аниқроғи, ўтган шу 19 йил мобайнида юртимизда кўплаб янги мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар қурилди. Туманимиз ўтган давр мобайнида 22-, 40-, 59-, 60-, 69-, 75-, 79-, 83-, 86-, 104-, 107-умумий ўрта таълим мактаблари янгидан барпо этилган ўз замонавий ўқув биноларига эга бўлди. Тумандаги 17-, 27-, 37-, 70-, 93-, 99-умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилган капитал реконструкция ишларининг самараси ўларок, улар янги қиёфа касб этди. Худди

дан, тумандаги 1-ихтисослаштирилган мактаб интернатининг "Йил мактаби" кўрик-танлови республика босқичида фахрли 1-ўринни, шу мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ш.Ботировнинг, 34-умумий ўрта таълим мактабининг иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси Х.Боқиевнинг "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги, тумандаги 94-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси И.Жалиловнинг Хоразмда ўтказилган "Ижодкор ўқитувчилар" кўрик-танловининг Республика босқичида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганлиги туман халқ таълимининг мустақиллик йилларидаги солномасида алоҳида ўринга эга. 1-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Ш.Зайнидиновнинг "лолалар юрти" — Голландияда, шу мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси Б.Хуррамовнинг кунчиқар юрт — Японияда, 32-мактаб директори Г.Тошевнинг Францияда, 31-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили ўқитувчиси Т.Маҳмадалиеванинг Германияда сафарда бўлиб, жаҳон таълим тизимидаги янги тажрибалар ва усулларни ўрганиб қайтишди. Мустақилликдан сўнг халқ таълимида эришилган ютуқлар, ана шундай муҳим кўрсаткичлар хусусида фикр юритиб, бир оз чалғиб ҳайдовчининг кутилмаганда берган сигналидан хушёр тортидим.

Орқа ўриндиқларда ўтирган ҳар учала йўловчи ҳам "йўл уйқуси"да ором олишарди. Ҳайдовчи йигит машинасини тўхтатиб, машинасининг у ёқ- бу ёғига қараган бўлди. Юз-қўлини муздек сувга чайиб, яна жойига ўтирди. Машинани ўт олдиран экан, ўзига хос мамнуният билан:

— Ака, шу "Нексия" бир чикди-да! Умуман гап йўқ машина экан бу! Уч йилдан буён шу машина билан Тошкентга қатнайман, ҳали бирор жойи "қилт" этган эмас. Лекин мойдан, сувидан бохабар бўлиб тураман. Шу ҳам мустақилликнинг маҳсулоти-да, нима деддингиз?! — деди ҳайдовчи йигит машина рулини аста уриб.

— Албатта, — дедим жавобни қисқа қилиб...

Ана шундай ўй-хаёллар билан Шаҳрисабзга етиб келганимизда, кўҳна шаҳар узра оқшом чўкаётган бўлса-да, шаҳарнинг файзли майдони — Амир Темур хиёбони одамлар билан гавжум эди. Майдон ўртасидаги фаввора атрофида оқшом сайрига чиққан ёш оилалар, фарзандларини, набираларини етаклаб чиққан ёшу қари кишилар мустақиллик, тинчлик ва юртимиздаги осойишталик завқи ила масрур эдилар.

Майдон ўртасида виқор ила турган соҳибқирон Амир Темур ҳайкалига боқар эканман, гўёки бу буюк зот ҳам тугилиб ўсган Ватанида ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикдан мамнундек, ўз фуқароларини эса бундан-да буюк ва нурафшон манзиллар сари ундаётгандек эди.

Муродулло ҲАЙДАРОВ,
ТХТБ матбуот маркази
масъул ходими



йўлга қўйилган. Аммо белгилаган режамизга кўра енгил машинада уйга йўл олдик.

— Келинг, ака, ўтириб олинг, — дея ёнидаги ўриндиққа ишора қилди бир ҳайдовчи йигит.

— Майли, энди! Шаҳрисабзга эсон-омон етиб олинг! — деди дўстим. Кучоқ очиб хайрлашдик. — Барча танишларга салом айтинг! — Кўшимча қилди у.

Орқа ўриндиқдан жой олган аёл эса "Йўлимиз беҳатар бўлсин, эсон-омон манзилимизга етиб олайлик", — дея юзига дуойи фотиҳа тортиди.

Машина ўрнидан кўзғалиб, бир текис ҳаракатланаркан, бироз сукутдан сўнг ҳайдовчи йигит машина радиосини бурай бошлади. Ўзига маъқул бўлган тўлқинни топишга уринди. Қайсидир тўлқинда турк сериали, бошқасида "Ахборот" хабарлари, яна бирида футбол бўйича жаҳон чемпионати...

— Шуни қўяйми? — сўради ҳайдовчи гўё менинг футболга муносабатимни синамоқчи бўлиб.

Кеча ўртоғим билан тунги 1:30да телевизордан шу ўйинни кўрганлигимни айтиб, унга хоҳиш билдирмадим.

— Лекин шопир ука, Равшан Эрматов ажойиб йигит экан. Унинг ҳакамлигини кўрдингизми, ўзи?! Ўзиям африкаликлар билан бўлган ўйинни зўр бошқарди-да! Орқа ўриндиқда ўтирган

инсон бўлса, ёмонми? Мен ҳам кўрдим...

— Вой, айланаб кетай сиздан, сиз ҳам футбол кўрасизми, — ҳамроҳининг гапини бўлди ҳалиги аёл ҳовлиқиб.

— Ҳа, тунов кунни германияликлар билан бўлиб ўтган ўйинда шу йигитни кўраман деб, уйқудан қолгандим. Ҳавас қилса, арзигулик, ҳақиқий "Қорақош, қора кўз" ўзбек йигити, истараси иссиққина экан.

— Хўжайиним бежиз набирамга Равшанбек деб исм қўйишни ният қилмаган экан. Майли, мен ҳам розиман, Равшанбек бўлса бўла қолсин.

Мен эса уларнинг суҳбатига кулиб қўйдим. Бироқ шу қисқа суҳбатларда ўзбек халқи хос ўша бағрикенглик, хокисорлик ва албатта, болапарварлик хислатларини кўрдим.

Ҳайдовчи йигит яна машина радиосини бураб, бошқа тўлқинга олди. Радиодан Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, байрам арафасида қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳақида сўз борарди. "Янги барпо этилган бу илм масканлари — том маънода мустақиллигимизнинг маҳсули, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги самараси", — дея эътироф этди радиобошловчи. Ҳа, у ҳақ эди.

шунингдек, 8та умумий ўрта таълим мактабида ҳам капитал таъмирлаш ишлари олиб борилдики, бунинг оқибатида кўп минг сонли ўқувчилар ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланган ва безатилган ўқув хоналарида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Буни биз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалдаги ёрқин маҳсули, деб айта оламиз.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз болалар спортига, унинг равнақи ва истиқболига жиддий эътибор қаратди. Худди шу мақсадда "Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси"га асос солинди. Туманимиздаги 14-, 24-, 58-, 69-, 93-, 99-умумий ўрта таълим мактаблари базасида спорт майдонлари ва спорт залларининг ташкил этилиши, уларнинг замонавий спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланишини, "Чоршанбе" кўрғонида ТИП-1, "Қорапойча" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида эса 5-ТИП болалар спорти мажмуасининг барпо этилиши баркамол авлоднинг жисмонан соғлом ва руҳан тетик бўлиб ўсиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликнинг намунасидир.

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътиборга жавобан, халқ таълимининг турли соҳаларида ютуқларга эришилмоқда. Жумла-

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

Давлат таълим стандартлари асосида қайта ишланиб, тақомиллаштирилган 8-синф "Adabiyot" (С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров) дарслиги 2010-2011 ўқув йилида таълим жараёнига татбиқ этилади. Ўз йўналишига кўра адабий таълим мазмунини қамраб олган янги дарслик амалдаги дарсликдан фарқли ўларок, фан йўналишидаги ютуқлар ва, албатта, миллий-маънавий қадриятларни теранроқ акс эттиргани, ўқувчининг психофизиологик имкониятларига мослаштирилгани билан эътиборга лойиқдир. Бинобарин, ўқувчининг дарс мавзусини самарали ўзлаштиришини таъминлашда китобнинг мазмун-мундарижаси, билимларни етказишда танланган йўналишнинг тўғрилиги (илмийликни жисмоний ва руҳий уйғунлаштириш) ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ташқи ва ички дизайни ўқувчи имкониятларига мувофиқлаштирилиб, қаттиқ муқовада чоп этилган ўқув манбаида ўзлаштиришни қулайлаштириш ва ўқитиш савиясини ошириш мақсадида бир қанча ўзгаришлар қилинган. Жумладан, дарсликнинг адабиётдаги халқчиллик, бадиий руҳ, давр адабиётидаги муҳим омиллар таҳлил этилган «Кириш» қисмининг мазмуни ҳозирги адабий жараёнга ҳос ҳижатлар, ижод аҳлининг бугунги кундаги долзарб вазифалари, давлат раҳбарининг юксак туйғулар, эзгу инсоний хислатлар ҳақидаги нуқтаи назари билан бойитилди; матнлардаги мураккаб талқинлар,

тушунилиши қийин ўринлар соддалаштирилиб, ўқувчида қизиқиш ва фаоллик уйғотадиган матнлар киритилди; ҳар бир мавзу бўйича берилган саволларда мантиқийлик, изчиллик ва мазмундорлик таъминланди; классик шоирлар ижодига тааллуқли савол-топшириқлардан кейин мустақил ўқиш учун гўзал ғазал наму-

лашадиган, ўқувчини фикрлашга чорлайдиган саволлар киритилди; адабларнинг суратлари тиниқ кадрлар билан алмаштирилди.

Адабиёт фани маънавият, онг ва тафаккурни бойитиш воситасигина эмас, келажак пойдевори ҳамдир. Шунинг билан қолда, ўқитувчи-мураббийларнинг дарс жараёни-

навий мезонларини мавзулар билан боғлиқликда ўқувчига етказиш, дарс моҳиятини шу манба асосида шакллантириш тақозо этилади.

Жорий йилда халқ таълими йўналишида — умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим системаси ўқув дастурларида узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш мақсадида сал-


МУКАММАЛЛИККА ИНТИЛИБ...

налари тақдим этилди, яъни Лутфий, Навоий, Нодири ижоди бўйича ҳам (бу олдинги нашрда берилмаган) "Мустақил ўқиш учун" рукни киритилиб, унда сўз санъати усталарининг таълим-тарбиявий аҳамиятга молик ғазаллари ҳавола қилинди; ижодкорларнинг умр баёнларини беришда даврий мутаносибликка риоя этилди; Лутфий ҳаёти ва ижодида оид матн Хоразмий умрбаёнидан олдин берилди (олдинги нашрда Хоразмий ижоди Лутфий ижоди ҳақидаги матндан олдин қўйилган эди); ҳар бир мавзу бўйича савол ва топшириқлар ҳажми камайтирилди, бунда дарс мавзусидан йироқ, мақсадга йўналтирилмаган айрим савол ва топшириқлар ўрнига мавзуну очишга кўмак-

да ўқувчининг бутун диққат-эътиборини мавзу мазмун-моҳиятига йўналтира олиши, дарсни ташкил этишида мавжуд илғор усулларни моҳирона қўллаши ва, ниҳоят, мазкур манбадан тўғри фойдалана олиши дарсликдан кўзланган мақсадни амалга оширишда жуда муҳим.

8-синф "Adabiyot" дарслиги амалиётга татбиқ қилинар экан, ундан кўзланадиган асосий мақсад фақат адабий билимларни бериш эмас, балки ўқувчи мустақам ахлоқий принципларни ўргатиш, миллий қадр-қиммат ва Ватан ҳиссини онгу тафаккурига сингдиришдир. Ушбу мақсадда, дарслик билан бирга "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таяниш ва унинг маъ-

моқли ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда долзарб муаммолардан бўлган умумтаълим ўқув дастурларидаги мураккабликларни, такрорларни, яъни ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув дастурларида ҳам мавжуд такрорий маълумотларни бартараф этиш, мураккаб мавзуларни ўрта махсус таълимга ўтказиш, уларда мантиқийлик ва изчилликни таъминлаш ҳамда шу асосда дарсликларни тақомиллаштириш мақсад қилинди. Ушбу ишларнинг маҳсули сифатида кейинги авлод дарсликлари мутлақо янги мазмун касб этиб, дарс ва ўқув машғулларининг савиясини, ўқитувчининг ижодий малакасини оширишга, ўз устида ишлашига шароит яратишга, ўқувчилар-



нинг қулай шаклда билим олиши ва улар томонидан ўзлаштириш имкониятининг кенгайишига хизмат қилади.

Тақомиллашган мазкур ўқув манбаи материаллари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ танланиб, ҳар бир мавзу бўйича яқуний таҳлил ўтказиш — ўқитувчи томонидан олинган билим, кўникма ва малакалар ҳажмининг аниқ белгиланишида муҳим ўрин тутди. Мумтоз адабиёт бўйича мустақил ўқиш учун танланган ғазаллар эса ўз бадиий жозибаси, тилининг мукамаллиги билан ўқувчибоғдир.

Қайта ишланиб, тақомиллаштирилган 8-синф "Adabiyot" дарслиги ўқитувчи ва ўқувчи учун муносиб йўриқнома, қулай билимлар мажмуи бўлишига ишонамиз.

Н.АБДУЛЛАЕВА,
Республика таълим
маркази филология
фанлари бўлими
методисти

Йилдан-йилга олиёй ўқув юртида таҳсил олиш истагини билдираётган ёшларнинг сафи кенгайиб бораяпти. Университет ва институтларга кириш учун бир ўринга бир неча нафар йигит-қизлар даъвогарлик қилишяпти. Албатта, бу қувонса, фахрланса арзигулик уринишлар. Бундайин ақлу заковат баҳслари замирида жабҳалардаги эртанги тараққиёт, юртимизнинг ҳар томонлама янада равнақ топиши, келажакка ишонч мужассам. Шулар ҳақида ўйларкансан, кўнгилда тотли хотиржамлик сезасан киши. Шу иқрор билан истиқлол йилларида олиёй ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест синовлари асосида амалга ошириш тизими яратилгани, унда жамланган саволларнинг атрофлича мантиқан фикр юритиб жавоб беришга йўналтирилгани, бу эса ҳақиқий билимли, иқтидорли ёшларни тўғри танлаш имкониятини яратаётганидан мамнунлик, шукроналик ҳисларини туясиз. Демак, талаба бўлишга муносиблик фақат билим билан баҳоланади. Шундай экан, фанларни ҳижжалаб, мавзулар мазмун-моҳиятини теран илғаган ҳолда ўзлаштириб бориш керак. Доноларимиз илм ўрганмоқни игна билан қудуқ қазизишга менгзаганлар. Шундай экан, абитуриентлик масъулиятини зиммасига олган йигит-қизнинг атрофидигилардан ҳам зийраклик билан уни қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Хўш, ана шу нуқтада абитуриентга ғамхўрлик кўрсатишни ким қандай тушунади?

— Мана, боламнинг ортидан неча чақирим йўл босиб келдим, — дейди институт дарвозаси олдида фарзандининг имтиҳон топшириб чиқишини кутиб ўтирган киши қафтларини юз-кўзларига соябон қилганча. — Кун ҳам қиздиргандан қиздирди. Ана, онаси ҳам келган...

— Тайёргарлик қандай бўлганди? — сўрайман фурсатдан фойдаланиб

— Билмасам, ўқирди. Биз кун бўйи ишда. Бугун фанлар ҳам анча мукамаллашиб кетган, тушунмасак... Уйда

ОМАД — БИЛИМНИНГ ДЎСТИ

Mulohaza

ёхуд 1 август ва ундан сўнгги ўйлар

ҳамма нарса бисёр, яна унга нима керак?

Дарвоқе, абитуриент нималарга муҳтож? Фақат 1 август куни эшик ортида уни пойлаб ўтиришгами? Бу борада баҳс-мунозара юритиш зарур. Йиллар давомида фарзандни ҳаётида кўндаланг тургучи довлонларни забт эта боришига ақлан, руҳан, жисмонан тайёрлаб бормоқ, чекаётган захматларига сабр-тоқат билан елка тутта билмоқ, керак бўлса, дилбанди билан бирга ўқимоқ, уқмоқ, ўрни келганда муваффақиятсизликларини тўғри таҳлил этишга, хатоларини кўра билишга ва шу аснода олдинга интилишга ўргата билмоқ энг катта ғамхўрлик эмасмикан?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, илми толиб хотирасининг мустақам бўлиши, узлуксиз олиб бориладиган машғулотлардан толиқмаслиги, зериктиш ҳисларини енга олиши кўп жиҳатдан унинг тўғри овқатланиши ва дам олиши, оиладаги хотиржамлик ва осудалик, атрофидигиларнинг унга эътибори ва меҳру муҳаббатига боғлиқ экан.

— Ўғлим билан қилган тинимсиз меҳнатларимиз натижасини кўрсатди, — деганди фарзандининг нуфузли олий ўқув юртларидан бирига давлат гранти асосида ўқишга киргани қувончинини баҳам кўраркан бир дугонам. — У ўқиган фанларни анчагина ўзлаштириб олдим десам, муболага бўлмас. Дарсликларни неча бора варақлаб чиқдик, қанча китоблар харид қилдик, интернет манбаларидан фойдаландик.

Тест жавобларини таҳлил этиб, хотираларимизга сингдирдик. Уни фақат ўз билимига ишонишга, бошқа уринишлар бехуда эканини уқтиришга ҳаракат қилдим.

Афсуски, талаба бўлишдек бахтга нотўғри йўллар, кўр-кўрона ҳаракатлар орқали эришишни хаёл қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улардаги бу истақлар яқинлари, ота-оналари томонидан пайдо қилинаётгани ёки қўллаб-қувватланаётгани бундан-да ачинарлидир. Хўш, бу йўл қаерга бошлаб боради? Эҳтимол қандайдир сабаб ёхуд тасодиф билан шу тахлит иш кўрилиб, абитуриент талаба бўлди ҳам дейлик. Кейин-чи...

— Абитуриентларнинг баъзилари шундай шпаргалкалар тайёрлашганки, улардан фойдаланиш у ёқда турсин, ҳатто майда тушунарсиз ҳарфларни ўқишнинг ўзи мушкул, — дейди олий даргоҳлардан бирида кириш имтиҳонлари маҳали назоратчилик вазифасини бажарган муаллима. — Биринчидан, албатта ортиқча нарсаларнинг имтиҳон топшириладиган хонага олиб кирилиши ман этилади. Иккинчидан, тушуниб-тушунмай шунча қоғозни қоралагунча кетган вақт ичида қанча ўқиш, билимларини мустақамлаш мумкин эди. Ҳа, афсуски 1 август куни бу каби бизга ярашмас ҳолат ва вазиятлар учради. Кимлардир кимларнингдир суянчи, яна кимлардир қанақақадир вариантлар телефонлардан фойдаланиш режаларини тузиб ўзини ҳоритди. Яна кимлардир тўрт-беш сўмлик бўлиб қолиш қайғусида елиб

югурди, кимларнидир алдади, кимлардандир алданди. Лекин барибир билим голиб келди, эзгулик йўлидаги меҳнатларнинг бўйи баланд бўлди. Кўнгиллар бунинг сизди. Шу боис ҳам кимнингдир чехраси ёришиб, кимдир дилхижлик билан чиқиб келди имтиҳон хоналаридан.

— Албатта, ўқиш керак экан. Энди тинимсиз шуғулланаман, — дея қатъият билан онаси томон юзланди бўйчангина йигит.

— Нега ундай дейсан, омадинг келса кириб кетарсан, — дерди уни юпатишга уринаркан боласининг нигоҳларидан аллақачон нималарнидир уқиб олган волидаси ҳам ичидан зил кетганини билдирмасликка уриниб.

— Йўқ, омад ўқиганики экан! Бугун ҳаммаси ҳал бўлди, кўнглим сезиб турибди. Ёнимда ўтирган тенгдошим ҳеч қаерга бурилмай берилган мисол ва масалаларни шундай иштиёқ билан ечдики, унга ҳавасим келди. Мен, қайсини белгиласам экан, деб хаёл суриб ўтирганимда, у неча-неча варақларни тўлдириб, мийиғида қулганча жавобларини таҳлил этарди. Ахир, менинг ундан қаерим кам?! Агар шу нўноқлигим билан ўқишга кириб кетган тақдиримда ҳам, у билан қандай ўқий оламан?!

Йигит шундай деганча шашт билан бекат томон юриб кетди. Мен эса шу иқрори билан навқирон дўстимни қутлагим келди. Балки у ўзи тан олганидек бу йил ўқишга кира олмас. Лекин энг асосийси, билимнинг йўли ёруғ, қўли баланд келишини тан олди. Демак, у эртами кечми, албатта, талаблик бахтига ёруғ юз билан мушарраф бўла олади.

Дарвоқе, эрта-индин ғалвир сувдан кўтарилди. Балки хулосалар айтилди, уринишлар ниҳоясига етди дерсиз. Бизнингча эса ҳамма-ҳаммаси энди бошланди. Чунки қоқилишлар, мағлубият аслида бир сабоқ, ҳаёт дарсидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Fan va yo'nalishlar bo'yicha sho'ba yig'ilishlarini o'tkazish yuzasidan TAVSIYA

MILLIY ISTIQLOL G'OYASI VA MA'NAVIYAT ASOSLARI

Globalashuv jarayonining o'ziga xos ijobiy tomonlari bilan bir qatorda salbiy oqibatlari ham yo'q emas. Shulardan biri yoshlar qalbi va ongiga bo'lgan turli tahdidlardir. Shuning uchun ham bugungi kunda yoshlarimizda har qanday axborotni tahlil qilish orqali mustaqil fikr yuritish ko'nikmasini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu nuqtai nazardan "Milliy istiqlol g'oyasi" turkumidagi fanlar o'quv dasturiga kiritilgan o'zgartishlarda asosan o'quvchilarning yosh xususiyatlari, psixofiziologik rivojlanishlari inobatga olingan holda Prezidentimiz Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" kitobidagi konseptual g'oyalar qamrab olingan. Bu fanlar negizida komil insonni tarbiyalash, uning ongiga yurt tinchligi, Vatan ravnaqi, xalq farovonligi, millatlararo totuvlik, ijtimoiy hamkorlik, bag'rikenglik g'oyalarini singdirish maqsadi turadi. Shu maqsadda sinflar kesimida birinchi darslar xalqimizning eng ulug', eng aziz bayrami — Mustaqillik kuni hamda Vatan mavzulariga bag'ishlanadi. Mazkur darslarni tashkil etishga o'qituvchilar alohida e'tibor bilan tayyorgarlik ko'rishlari, mustaqillik bayramining mazmun-mohiyatini o'quvchilarga chuqurroq tushuntirishlari, bunda aniq misollardan, ko'rgazmali vositalardan unumli foydalanishlari tavsiya etiladi.

Bu yo'nalishdagi fanlarning o'quv dasturlari tahlil qilinganida, quyidagi kamchiliklar aniqlandi:

"Odobnoma", "Vatan tuyg'usi", "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" dasturlarida mavzular ketma-ketligi ta'minlanmagan. Ayrim mavzular Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaydi.

Fanlarni o'qitishda bosqichma-bosqich, soddadan murakkabga, rivojlanuvchi tarzda, uzviylik va uzluksizlik tamoyiliga yetarli e'tibor

berilmagan, mavzular o'quvchilar yosh xususiyatlariga mos kelmagan. Boshqa fanlarga daxldor mavzular asossiz ravishda dasturga kirib qolgan.

Bu kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida quyidagi ishlar amalga oshirildi:

1-sinf "Odobnoma" dasturida mavzular ketma-ketligi qayta ko'rib chiqildi. "Ona-Vatan", "Sayohatga borish odobi", "Milliy o'yinlar", "Ona tabiat bag'rida", "Oila odobi" bobidagi Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaydigan bilimlar dasturdan chiqarildi.

Optimallashtirilgan soatlar hisobidan o'quv dasturiga quyidagi mavzular kiritildi:

"1-sentabr — Mustaqillik kuni", "Odob — salomdan boshlanadi", "Oila — baxt qo'rg'oni", "Salomatlik — tuman boylik", "Xotira va Qadrlash kuni", "Vatan bo'ylab sayohat".

2-sinf "Odobnoma" dasturidan "Yaxshi fazilat — insonga ziynat", "Tadbirli va tartibli bo'ling", "Ota-ona — aziz va mo'tabar", "Do'st bo'lish odobi" boblaridagi Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaydigan mavzular chiqarilib, ularning o'rniga quyidagi yangi mavzular kiritildi: "O'zbekiston — mening Vatanim"; "Sog'liging — boyliging"; "Ona-tabiat", "Do'stikni qadrlang".

3-sinf "Odobnoma" dasturidan quyidagi 2ta bob chiqarildi: "Istiqlolimiz asoschisi"; "Vatan tuyg'usi" kabi mavzular o'rniga quyidagi mavzular kiritildi: "O'zbekiston mustaqil davlat"; "Ona yurt — oltin beshiging"; "Sog' tanda — sog'lom aql"; "Xalq o'yinlari"; "Tejamkorlik".

4-sinf "Odobnoma" dasturidan "So'zlashuv odobi", "Ma'naviyat va ma'naviyat-sizlik" mavzulari chiqarilib, o'rniga yangi mavzular kiritildi: "Bizning Vatanimiz — O'zbekiston"; "Konstitutsiyamiz — baxtimiz poydevori"; "Vatanimiz posbonlari"; "Bizning sog'ligimiz — mamlakatimiz boyligi"; "Kasblar olamiga sayohat".

5-sinf "Vatan tuyg'usi" fani dasturidan "Vatan tuyg'usi", "Vatan tuyg'usi nima?", "Vatanni nega sevamiz?", "Istiqlol nima?", "Vatan

timsollari" mavzulari chiqarilib, ularning o'rniga quyidagi yangi mavzular kiritildi: «Ma'naviy hayotimizda mahallaning o'rne», «Barkamol avlod — Vatan kelajagi», «Yurtimizning moddiy va ma'naviy boyliklari», «Xalqni Vatan manfaati birlashtiradi», «Iqtisodiy islohotlar Vatan ravnaqi yo'lida», «Qadimiy shaharlarimiz yosharmoqda», «Mamlakat rivojining ma'naviy-axloqiy negizlari».

6-sinf "Vatan tuyg'usi" fani dasturidan Davlat ta'lim standartlariga mos kelmaydigan amaliy mashg'ulotlar hamda mavzular — "Milliy davlatchiligimiz", "Milliy qadriyatlarimiz", "Biz — O'zbekiston fuqarosimiz", "Vatanparvarlik", "Yoshlar — Vatan kelajagi" dasturdan chiqarildi.

Chiqarilgan soatlar hisobidan quyidagi mavzular kiritildi: "Mustaqillik — ma'naviy tiklanish va yuksalish", "O'zbekiston — ko'p millatli mamlakat"; "Tarix — ma'naviyat uchun poydevor", "Buyuk mutafakkir va allomalimizning islom madaniyatini ravnaq toptirishga qo'shgan hissasi", «Ma'rifatga intilish xalqimizning azaliy fazilatlaridan biridir», "Shoirlarning sultoni — Alisher Navoiy", "Til — ma'naviyat ko'zgusi", "Inson qalbiga yo'l...", "Ma'naviyatni yuksaltirishda madaniyat va san'atning tutgan o'rne", "Tinchlik uchun kurashmoq kerak".

7-sinf "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" dasturidan Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaydigan, boshqa sinflar dasturida takrorlanadigan mavzular — «Kirish», "Vatanparvarlik va milliy iftixor tuyg'usi", "Hurlik tuyg'usi", "Huquqiy madaniyat tushunchasi", "Huquqiy madaniyat zarurati", "Mehr-muruvvat tuyg'usi", "Kamtarga kamol, manmanga zavol", "Muloqot madaniyati", "Oilada va jamoat joylarida muloqot qoidalari" dasturdan chiqarilib, ularning o'rniga quyidagi mavzular kiritildi: "Jamiyatimiz mafkurasi xalqni xalq, millatni millat qilishga xizmat qiladi", "O'zbekistonni rivojlantirishning ma'naviy-axloqiy negizlari", "Ma'naviy meros", "Ma'naviy tahdidlar", "Milliy

an'analar va qadriyatlar ma'naviy yuksalishga xizmat qiladi", "Shaxs tarbiyasi davlat siyosatining ustuvor sohasi", "Qonun ustuvorligi — jamiyat farovonligi", "Axloq-odob ma'naviyat negizi".

8-sinf "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" dasturidan: "Milliy g'oyaning tarixiy va falsafiy asoslari", "Ma'naviyat haqida umumiy tushuncha", "Shaxsiy gigiyena", "Yoshlar va kiyinish odobi", "Ichkilikbozlik, kashandalik, giyohvandlik, aqliy va jismoniy kamolot kushandasi" mavzulari Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaganligi uchun dasturdan chiqarildi. Ularning o'rniga quyidagi yangi mavzular kiritildi: "Milliy g'oya — millatni, xalqni ezgu maqsadlar yo'lida birlashtiradi", "O'zbekistonda vijdon erkinligining kafolatlanganligi", "O'zbekistonda barcha millatlar huquq va erkinliklarining kafolatlanishi", "Diniy aqidaparastlik va ekstremizm — taraqqiyot dushmani", "Ma'naviyat — inson va jamiyat madaniyatining negizi", "Milliy bayramlar, an'alarimiz — tarixiy qadriyat", "Biz kimmiz, qanday buyuk zotlarning avlodimiz?".

9-sinf "Milliy istiqlol g'oyasi va ma'naviyat asoslari" dasturidagi Davlat ta'lim standartlari talablariga mos kelmaydigan «Kirish», "Diniy ekstremizm va terrorizmning barqarorlik uchun xavfi mavzusida suhbat"; "Ona tili — millat ruhi", "Ota-ona va farzandlik burchi", "Kim bo'lsam ekan?", "Mehnat, kasb-hunar madaniyati", "Urf-odatlar va marosimlar", "Mehmon kutish madaniyati" mavzulari dasturdan chiqarildi.

Chiqarilgan mavzular o'rniga Prezident Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" kitobidagi konseptual g'oyalar singdirilgan quyidagi mavzular kiritildi: "Ma'naviyat va moddiy hayot uyg'unligi", "Mahalla — tarbiya maskani",

"Ma'naviyat va moddiy hayot uyg'unligi. Amaliy mashg'ulot", "Bozor iqtisodiyotiga o'tishning besh tamoyili", "Yuksak ma'naviyat — buyuk jasoratga yetaklaydi", "Ma'naviyat jasorat".

Ijtimoiy fanlardan uzviylashtirilgan fan dasturlarini joriy etish bo'yicha tavsiyalar, qo'llanmalar ishlab chiqilgan bo'lib, ularda yangi mavzularni amaliyotga joriy etish mexanizmi, namunaviy dars ishlanmalari, qo'shimcha ma'lumotlar berilgan.

O'qituvchilarning an'anaviy Avgust kengashlarida, asosan, ta'lim-tarbiya sohasida kechayotgan islohotlar, o'zgarishlar, yangiliklar bilan keng jamoatchilik xabardor qilinadi. Ana shu maqsadda tashkil qilinadigan sho'ba yig'ilishlarida fanni o'qitishdagi muammolar, ularning yechimi, uzviylik va uzluksizlikning ta'minlanishi, darslik va o'quv-metodik adabiyotlar, fan xonalarining jihozlanishi, fanga oid yangiliklarni o'qituvchilarga yetkazish, yangi darsliklar, o'quv qo'llanmalari, ilmiy adabiyotlardan xabardor etish, Vatanimiz mustaqilligining 19 yilligini munosib kutib olish hamda mustaqillik darslarini yuqori saviyada tashkil etish kabi mavzularga to'xtalib o'tish zarur.

Bu borada 1—4-sinflar uchun "Bu yorug' olamda Vatan bittadir", 5—6-sinflarda "O'zbekiston mening Vatanim, baxtu iqbolim makoni", 7—9-sinflar uchun "O'zbekiston — ulkan imkoniyatlar, yangilanishlar mamlakati" deb nomlangan namunaviy dars ishlanmalarining muhokamasini tashkil qilish, ushbu darslarni tashkil etishda nimalarga e'tibor qaratish, qanday ko'rgazmali va didaktik materillardan foydalanish lozimligini qayd etish taklif qilinadi.

Ushbu tavsiyalarni takomillashtirgan holda, ulardan unumli foydalanish tavsiya etiladi.

O'qituvchilar diqqatiga:

1—4-sinflar uchun "Bu yorug' olamda Vatan bittadir", 5—6-sinflarda "O'zbekiston mening Vatanim, baxtu iqbolim makoni", 7—9-sinflar uchun "O'zbekiston — ulkan imkoniyatlar, yangilanishlar mamlakati" deb nomlangan namunaviy dars ishlanmalari bilan «Ma'rifat» gazetasining navbatdagi sonida tanishasiz.

Сарвар олти ёшда. Тенгдошларига нисбатан анча ақли бўлганлиги учун ота-онаси уни мактабга бермоқчи. Белгиланган синовдан ўтиш учун мутахассислар кўригига борган болада айрим камчиликлар борлиги аён бўлди.

Фикрлаши ва дунёқараши етти ёшлиларникидан кам бўлмаган боланинг тиббий кўриқдан қайтарилшини мутахассислар шундай изоҳлайди:

— Аввало, боланинг бўйбастии етти ёшли болага қўйиладиган давлат талаби даражасида эмас, эртага муаммо туғилиши мумкин. Бўйининг пастлиги сабабларини аниқлаш учун шифокор кўригига тавсия қиламиз...

Оилада фарзанд туғилганидан то катта бўлгунча қадар унинг ҳар бир ҳаракати назорат остида олинади. Жилмайиши, турли овозлар чиқариши, бошини тутиб туриши, қўл ва оёқларини ҳаракатлантириши, товушларга ўз эътиборини қаратиши гўдакнинг тева-рак-атрофга, борлиққа му-

раси профессори, тиббиёт фанлари доктори:

— Жисмоний ривожланиш мониторинги маълум вақт ичида боланинг вазни, бўйи, бош ва кўкрак қафаси айланаси ўсишини назорат қилиш билан белгиланади. Одатда, бола организмнинг ривожланиш жараёни интенсив кечиб, уларда ташқи муҳитга нисбатан алоҳида сезгирлик аниқланади. Жисмоний ривожланишга иқлим ва яшаш шaroiti, кун тартиби ва овқатланиш жараёни, шунингдек, болада кечган касалликлар таъсир қилади. Бундан ташқари, унга ирсий омиллар,

лиқ сабаблари кузатилади. Турли соматик (ички аъзолар) касалликлар, ҳомиладорлик токсикозлари, туғруқ ораллигининг қисқалиги, онанинг ёши, қон-қариндошлик никоҳи онага боғлиқ сабаблар ҳисобланади. Сунъий овқатлантириш, парваришнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, боланинг касалликка тез чалиниши, рахит, анемия, гипотрофия ва бошқа касалликларнинг мавжудлиги, ошқозон-ичак йўлларида учрайдиган туғма касалликлар эса бола туғилгандан сўнг дуч келиши мумкин бўлган муаммолар ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг меъёрида ривожланмаганлиги ҳам бир қанча сабаблар билан изоҳланади. Аввало, организмда гижжали инвазияларнинг мавжудлиги, камқонлик, витамин ва микроэлементларнинг етишмаслиги, эндок-

лаблар ишлаб чиқилади. Бу ҳақда мазкур МТМ шифокори Мастура Мирзаева шундай дейди:

— Муассасамизда 154 нафар бола 8 гуруҳга бўлиниб тарбияланади. Ясли гуруҳидаги кичкинтойлар йилига 4 марта, бошқа гуруҳдагилар эса 2 марта назоратдан ўтказилади. Айни пайтда ёзги антропометрия жараёни давом этмоқда. Гуруҳларнинг кўрсаткичлар қайд этиладиган махсус дафтари бор. Катта ҳамшира ҳар бир боланинг бўйи, вазни ва кўкрак қафаси айланасини ўлчагач, ривожланишдаги ўзгаришларни ушбу дафтарга белгилаб боради. Кўриқдан кейин натижаларни таҳлил қиламиз. Унга кўра, боланинг ривожланиш кўрсаткичи талаб даражасида бўлмаса, эндокринолог назоратидан ўтиш учун йўлланма берамиз.

— Бола организмнинг

Jarayon

овқатланишга рағбатлантирилади. Эртақ ва мультфильм қахрамонларини мисол қилиб келтириш ҳам болага ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, "Ким овқатини еб бўлса, шердек кучли, емаган бола эса қуёндек нимжон ва кўрқоқ бўлади" десангиз, бола бунга ишонади ва овқатини еб қўйишга ҳаракат қилади.

Виктория Буш, тарбияланувчи Романнинг онаси:

— Ўғлим 3,5 ёш, жуда инжиқ. Уйда унга бирор нарса егизиш учун анча ҳаракат қиламан. Ширинликдан бошқа нарса емайди. Боғчадан суриштирсам, унинг иштаҳасидан нолишмади, шундан сўнг тарбиячилар билан келишиб, уларнинг методларини ўргандим. Энди уйда боламнинг иштаҳасини очиш учун тай-

ФАРЗАНДИНГИЗ СОҒЛОМ ЎСАЯПТИМИ?



носабати шаклланаётганидан далолат беради. Бу жараён рисоладагидай давом этса, яхши. Бироқ қандайдир муаммо пайдо бўлса-чи? Дейлик, боланинг бўйи паст ёки тенгдошларига қараганда анча узун, вазни енгил ёки ҳаддан ташқари семиз...

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тиббий муассасаларда ҳар бир бола учун жисмоний ривожланиш мониторинги ташкил этилади, кўрсаткичлар гўдак туғилган дастлабки ойлардан бошлаб шахсий тиббий дафтарга қайд этиб борилади.

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ МОНИТОРИНГИ НИМА?

Айрим болалар тана вазнининг меъёрга етмаслиги ёки ҳаддан ортиб кетиши, бўйининг паст бўлиб қолиши ёки аксинча ҳолатларнинг асосий сабаби нимада? Саволларимизга жавоб олиш учун мутахассисга мурожаат этдик.

Матлуба Шаропова, Тошкент тиббиёт академияси "Юқумли касалликлар ва педиатрия" кафедраси

тана тузилиши, моддалар алмашинуви интенсивлиги, эндокрин безлар ҳолати, қондаги ферментлар фаоллиги ва овқатланиш безлари секрецияси ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам болаларнинг жисмоний ривожланиши улар соғлигининг ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Жисмоний ривожланишни баҳолаш ва мониторинг қилишда маълум вақт ораллигида боланинг тана вазни ва унинг ортиб бориши, бўй ўсиши, бош айланаси ва унинг катталашиш тезлиги, психомотр ва ақлий ривожланишини ўлчаб бориш кўзда тутилади.

1 ёшли боланинг вазни 10,5 кг., бўйининг узунлиги эса 75 см. бўлиши керак. Ёшидан ошгач, йилига вазни 2 кг.дан, бўйи 5-6 см.дан ўсиб боради. Бола жисмоний ривожланишининг номутаносиблиги тиббиётда гипотрофия (вазн ва бўй узунлигининг ёшга нисбатан етишмовчилиги) ва паратрофия (вазн ва бўй узунлигининг меъёридан ортиб кетиши) атамалари билан юритилади. Бунда касалликнинг она ва бола билан боғ-

рин касалликлар, рахит асоратлари, юрак-қон томир тизимининг туғма нуқсонлари бола ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, наслий омиллар, руҳий зўриқиш ва жисмоний ҳаракатнинг камлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

ЖАРАЁН ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ?

Мактабгача таълим муассасаларида айни пайтда амалга оширилаётган ишлардан бири бу — тарбияланувчиларнинг жисмоний ривожланганлик мониторинги олиб борилишидир. Боланинг жисмоний ва ақлий улғайиши белгиланган тартиб-қоидалар асосида мутахассислар томонидан назорат қилиб борилади. Бунинг амалий ифодасини пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Оққуш" номли 177-мактабгача таълим муассасаси мисолида кўриб ўтамиз.

Таълим муассасасида ушбу жараённинг ташкил этилишига ҳар йили алоҳида эътибор билан қаралади. Болаларнинг жисмоний саломатлиги ва ақлий фаолиятига мос равишда та-

ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири овқатланиш тартибига риоя қилишидир. Шу ўринда айтиш керакки, бола овқатланиш рациони ўз ичига, асосан, нималарни қамраб олади?

— Боланинг тез ўсаётган ва ривожланаётган организм етарли миқдордаги сифатли овқатни талаб қилади. Овқатланиш рациони хилма-хил бўлган тақдирдагина фарзанд меъёрида ривожланиши мумкин. Овқатни етарлича истеъмол қилмаслик ёки унга ҳаддан зиёд ружу қўйиш бола организмнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бола овқатининг оқсил (гўшт, балиқ, сузма, тухум, ёғлар, сариеғ, қаймоқ), углеводлар(қанд, нон, ёрма, ун), минерал тузлар(сут, пишлоқ, қора нон), витаминлар(хўл мева, сабзавот, кўкатлар)га бой бўлиши унинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан ривожланишига ёрдам беради. Болалар овқати хилма-хил бўлиши лозим, шундагина рационда барча озиқ моддалар қамраб олинади.

— Уйда қизимга мажбурлаб ҳам овқат едира олмайман, — дейди тарбиячи Гулчеҳра Толипова, — боғчага келгач эса ўртоқларига қўшилиб, овқатлана бошлади. Комила жуда ям нозик эди, энди 5 ёшли қизимнинг вазни 18 кг., бўйининг узунлиги эса 108 см.га етди. Бу — боланинг жисмоний ривожланиши рисоладагидай кетаяпти, дегани. Боғчада овқатланиш рациони хилма-хил, бунинг устига ҳаракатли ўйинлар орқали овқатлантиришга эътибор қаратганмиз. Масалан, "Ким биринчи еб бўлса, катта бўлади", "Дадамдек кучли бўламан", "Ёш зобит" каби ўйинлар воситасида иштаҳаси бўлмаётган бола

ёр овқатларни кўкатлар билан моҳирона безайман, бўтқалар тайёрлайман. Мевалардан турли шакллар ясаб, кейин боламга тортиқ қиламан. У эса шаклларга қизиқиб ҳаммасини еб қўяди.

СПОРТ ОРҚАЛИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Спорт — соғлиқ гарови, деган нақл бор. Организм жисмоний ҳаракат билан чиниқса, ҳар қандай касалликнинг олди олинади. Айниқса, болаларнинг жисмоний ривожланишини таъминлаш мақсадида спорт машғулотларига жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада МТМда турли спорт ўйинлари ташкил этилган. "Ёз — ўтмоқда соз" шиори остида ўтказилаётган ёзги соғломлаштириш мавсумида болажонлар турникда тортилиш, баландлик ва узунликка сакраш, сув ҳавзаларида сузиш, қуёш ва ҳаво ванналарида чиниқиш каби машғулотлар орқали соғломлаштирилмоқда. Ҳар бир боланинг ушбу спорт турлари билан шуғулланиши ҳамда меъёрида овқатланиши жисмоний ривожланишининг муҳим мезонларидан саналади.

ФИКРИМИЗ СЎНГИДА...

Хулоса ўрнида тиббиёт фанлари доктори, профессор Матлуба Шаропованинг куйидаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

— Жисмоний ривожланиш мониторингини олиб бориш маҳалла педиатри ёки умумий амалиёт врачининг иши бўлиб қолмай, ота-она+маҳалла педиатри+боғча шифокори+мактаб шифокори+тарбиячи, ўқитувчи ҳамкорлигидаги муҳим вазифалардан бирига айланиши лозим.

Башорат ОТАЖОНОВА, "Ma'rifat" мухбири

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 720та.
Шундан:
замонавий типдаги — 264та;
мослаштирилганлари — 237та;
авария ҳолатидаги — 219та.

■ Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 83,4 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 26,7 фоиз;
компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 7,9 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 76,1 фоиз.

■ Вилоят болалар спорти объектлари:
спорт залига эга мактаблар сони — 436та;
болалар спорти объектлари сони — 2та;
болалар спорти объектларининг спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 19,2 фоиз;
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 31,4 фоиз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 12та.
Шундан:
замонавий типдаги — 4та;
мослаштирилганлари — 5та;
авария ҳолатидаги — 3та.

■ Вилоятдаги ҳидроген ҳаётини таъминловчи мактаблар сони — 12та.
Шундан:
замонавий типдаги — 14та;
мослаштирилганлари — 18та;
авария ҳолатидаги — 4та.

■ Вилоятдаги ўқувчи ва ўқувчиликни таъминловчи ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 35 фоиз;
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 18 фоиз;
мавжуд техника воситалари сони — 550та.

■ Вилоятдаги ўқувчиликни таъминловчи педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 2450 нафар.
Шундан:
фан номзодлари — 4 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 1750 нафар.

■ Урта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 44та.

■ Хунар-техника билим юр்தларида қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 11290 нафар.

■ Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 4та.
Шундан:
университетлар — 1та;
институтлар — 1та;
Институт филиаллари — 1та.
ОУЎларнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 77,5 фоиз;
компьютер билан таъминланганлиги — 8 фоиз.

■ Профессор-ўқитувчилар — 569 нафар.
Шундан:
профессорлар — 14 нафар;
фан номзодлари — 139 нафар.
Талабаларнинг умумий сони — 5231 нафар.
Мутахассисликларнинг умумий сони — 24та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009



Мустақиллик йилларида вилоят халқ таълими тизимида хизмат қилаётган педагог ходимларнинг 16 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 13 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 9 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига муносиб топилди. Шунингдек, 7 нафари «Эл-юрт ҳурмати», 8 нафари I даражали «Соғлом авлод учун», 15 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», нафари «Меҳнат шухрати», 19 нафари «Дўстлик» орденлари, 78 нафари эса «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Жорий йили бўлиб ўтган умумтаълим фанлари олимпиадасида қашқадарлик ўқувчилар умумий ҳисобда 6та совринли ўринни кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Медалларнинг 5 тасини умумтаълим мактаби битирувчилари кўлга киритди.

Вилоят бўйича 38та таянч мактаби, 93та фанлар бўйича таянч мактаби ташкил этилган. Улар ҳузурнда 72та «Худудий методик хизмат кўрсатиш маркази» фаолият юритмокда.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриқ-танловининг Республика босқичида 25 нафар ўқувчи муваффақиятли иштирок этиб, улардан 6 нафари фахри биринчи, 9 нафари иккинчи, 10 нафари учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

25 нафар халқ таълими ходимлари турли ривожланган мамлакатларда халқаро ҳамкорлик доирасидаги ўқув машғулотида катнашиб, малака ошириб қайтишди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими

2010 йил Қарши давлат университети қошидаги 2-сонли академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси Азиза Алманова фан йўналиши (биология фани) бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиббаси бўлди.

«Энг намунали академик лицей» республика кўриқ-танловининг республика босқичида Қарши давлат университети қошидаги 3-сонли Шахрисабз академик лицейи 2-ўринни эгаллади.

Жорий йилда умумтаълим фан олимпиадасида Қарши давлат университети қошидаги 3-сонли Шахрисабз академик лицейи ўқувчиси Кумушбиди Маъмурова она тили ва адабиёти фанидан 2-ўринни эгаллаб, олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини кўлга киритди.

Касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги «Касб маҳорати» кўриқ-танловининг Республика босқичида вилоят касб-хунар коллежларининг 4 нафар ўқувчиси совринли ўринларни эгаллади.



Умумий ўрта таълим

Вилоят ёш савҳатчилар ва ўлкашунослар маркази 1999 — 2010 йиллар давомида ўзига хос илгор иш тажрибасига кўра рейтинг кўрсаткичлари бўйича республикада 2-ўринни эгаллаб келмокда.

Шахрисабз туман ўқувчи-ёшлар техник-ижодиёт марказининг «Операторлар», «Сценаристлар», «Актёрлар» тўғраги аъзолари томонидан ишланган «Қора зоча» ҳужжатли фильми жорий йилда ўтган «Сехрли ёғду» республика болалар очик кинофестивалининг бош соврини соҳиб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган вилоят ва туманларда ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди 256 минг 572тага етди.

2010 йили Урганч шаҳрида ўтказилган «Академик чолгу ва эстрада ижодчилиги» республика кўриқ-танловида Қарши шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Т.Самадов, В.Сердюк 2-ўринни, Шахрисабз туманидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари М.Тошпўлатова, С.Жўраев ҳамда Китоб туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари Б.Сафаралиев ва З.Тураева 3-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг 28 — 31 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўриқ-анловининг Республика босқичида О.Чоршанбиева 1-ўринни, А.Мирзаева 3-ўринни эгаллади.



Олий таълим

Қарши давлат университети жисмоний маданият факультети Спорт асослари кафедраси мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Баҳром Авазов 1996-2000 йиллари Миллий кураш бўйича ўтказилган А.Темур халқаро турнирининг мутлақ ғолиби. 2000 йили Анталия ва 2001 йили Будапештда Ўзбек кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ғолибидир. У 2000 йили ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон ифтихори» кўрак нишони билан тақдирланди.

Биргина ўтган ўқув йилида университет олим ва тадқиқодчилари томонидан умумий қиймати 40 млн. 335 минг сўмлик фундаментал лойиҳа амалга оширилди.

Университетнинг 9 нафар талабаси республика олий ўқув юр்தлари талабалари Фан олимпиадаларида математика, тарих, география, инглиз ва француз тили фанларидан совринли ўринларни кўлга киритди.

Университетнинг ўзбек филологияси факультети талабаси Ахбор Содиқов 2008 йили «Келажақ овози» танловининг Республика босқичи ғолиби бўлди.

2009 йили тарих факультети талабаси Нилуфара Аббосхонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиббаси бўлди.

2010 йил тарих факультети талабаси М.Маматова ва педагогика-психология факультети IV курс талабаси Д.Ёқочидева Навоий номидаги давлат стипендиясини кўлга киритди.

1991—2010 йилларда университетнинг 16 нафар спортчи-талабалари Республика ва халқаро спорт мусобақаларида жами 16 та медаллар шодасини кўлга киритиб, жаҳон ва Осиё чемпиони бўлди.

«Универсиада — 2010» спорт мусобақаларида университет талабалари 2та олтин, 2та кумуш, 1та бронза медалларини кўлга киритди.

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтининг 20 нафардан ортиқ талабалари Навоий, Беруний ва Улугбек номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стипендияси совриндорлари бўлган.

2006 йилда институт талабаси Хуршида Холиқова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Институтнинг 30га яқин талабаси «Келажақ овози» мега-танловининг «Меҳри» номинацияси бўйича йўлланма олди.

Болалар спорти

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 110 та (13та ТИП, 84та мактаб спорт заллари, 12та капитал реконструкция қилинган спорт иншоотлари, 1та сузиш ҳавзаси) спорт иншооти бунёд этилди, уларнинг 92таси (84 фоиз) қишлоқ жойларида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари эвазига 1,35 млрд. сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари харид қилинди. Кам таъминланган оилаларнинг спортчи фарзандларига 891,3 млн. сўмлик спорт кийим-кечақлари тарқатилди.

2005 йили Қосон туманида «Тувалак» спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Унда бугунги кунда 656 нафар (312 нафар қизлар) ёш спортчилар 10дан ортиқ спорт тури бўйича машғулотларда катнашмокда.

«Тувалак» спорт мажмуаси ёш истеъодли спортчиларнинг 452 нафари Республика биринчиликлари, 47 нафари Осиё ва халқаро мусобақалар, 15 нафари Жаҳон биринчиликлари ғолиби бўлишди.

Вилоятда 21 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, профессионал футбол клублари қошида 3 та футбол мактаби фаолият кўрсатмокда.

Умумтаълим муассасаларида таълим олаётган спортчи ўқувчилар Осиё, жаҳон ва халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, 25та олтин, 48та кумуш ва 81та бронза медалини кўлга киритишди.

Мактаб ўқувчиларининг аънавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида Қашқадарь вилояти тарма жамоаси иштирокчилари 2002 йили умумжамоа ҳисобида 4-, 2003 йили 3-, 2006 йили 1-ўринни эгаллаш ҳамда 56та олтин, 78та кумуш ва 123та бронза медалини кўлга киритишди.



«Нури» фонди стипендиялари, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ихтимойи ҳаракатининг «Камолот» стипендияси совриндоридир.

Институт олимпиадининг 45 нафари хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида малака ошириб келди.

Институт кутубхонаси базасида замонавий талабларга жавоб берадиган Ахборот ресурc маркази ташкил этилиб, 20 та замонавий компьютер, 3 та нуска кўчириш апарати, 4 та сканер билан жиҳозланди. 3000дан зиёд ахборот ресурc фондига эга бўлган 156 Mb ҳажмдаги электрон кутубхона ташкил этилди.

Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 40 дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди.

Илмий-тадқиқотлар натижалари асосида 24та илмий ишланма ишлаб чиқаришга жорий этилди.

2009 йилда институт профессор-ўқитувчилари томонидан фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар ва ҳўжалик шартномалари бўйича 125,7 млн. сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган.


2009-2010 ўқув йилида 251 нафар талаба номзодлик диссертациялари устида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга жалб этилди.

2007 йилда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 2 нафар ўқитувчиси Хиндистоннинг Хайдаробод университети ва Москва давлат университетига малака оширди.

2008 йили ТАТУда ўтказилган фанлар олимпиадасида 4-курс талабаси Илхом Алманов «Информатика ва ахборот хавфсизлиги» фанидан 3-ўринни эгаллади.

ТАТУ Урганч филиалида дастурлаш бўйича ўтказилган «Ал-Хоразмий-2007», «Ал-Хоразмий-2008» худудий танловларида институт жамоаси совринли 2-ўринни эгаллади.

2009 йили 4-курс талабаси Анвар Бердиев «Келажақ овози» Республика танловида «Neft va gaz» электрон ўқув қўлланмасини яратиб, «Ахборот технологиялари ва рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар» номинацияси ғолиби бўлиб ва магистратурага грант асосида ўқишга йўлланма олди.



2010

■ Вилоятдаги жами мактаблар сони — 1115та.
Шундан:
янгидан қурилганлари — 820та;
капитал реконструкция қилинганлари — 123та;
капитал таъмирланганлари — 92та;
жорий таъмирланганлари — 80та.

■ Мактабларнинг моддий-техник базаси:
дарсликлар таъминоти — 98,5 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 72,9 фоиз;
компьютер, ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 52,5 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 95,7 фоиз.

■ Вилоят болалар спорти объектлари:
спорт залига эга мактаблар сони — 635та;
болалар спорти объектлари сони — 11та;
болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 90,7 фоиз;
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 51,9 фоиз.

■ Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони — 18та.
Шундан:
замонавий типдаги — 4та;
мослаштирилганлари — 12та
(2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаблар биналари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади);
биноси янгидан қурилаётганлари — 2та;

■ Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 18та.
Шундан:
янги қурилганлари — 77та;
капитал реконструкция қилинганлари — 60та.
Академик лицейлар — 7та.
Касб-хунар коллежлари — 130та.

■ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 18та.
Шундан:
янги қурилганлари — 77та;
капитал реконструкция қилинганлари — 60та.
Академик лицейлар — 7та.
Касб-хунар коллежлари — 130та.

■ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 18та.
Шундан:
янги қурилганлари — 77та;
капитал реконструкция қилинганлари — 60та.
Академик лицейлар — 7та.
Касб-хунар коллежлари — 130та.

■ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 18та.
Шундан:
янги қурилганлари — 77та;
капитал реконструкция қилинганлари — 60та.
Академик лицейлар — 7та.
Касб-хунар коллежлари — 130та.

■ Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони — 18та.
Шундан:
янги қурилганлари — 77та;
капитал реконструкция қилинганлари — 60та.
Академик лицейлар — 7та.
Касб-хунар коллежлари — 130та.

■ Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони — 5та.
Шундан:
университетлар — 1та;
институтлар — 1та;
филиаллар — 1та.

■ ОУЎларнинг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 97 фоиз;
Компьютер билан таъминланганлиги — 1073 дона.

■ Профессор-ўқитувчилар — 873 нафар.
Шундан:
профессорлар — 47 нафар;
фан номзодлари — 334 нафар;
аспирантлар — 52 нафар.
Талабаларнинг умумий сони — 12589 нафар.
Мутахассисликларнинг умумий сони — 68та.



Меҳмон келган кун — байрам(ми?)

— Уйимизга меҳмон келса болаларимни уларнинг ёнига киритмасликка ҳаракат қиламан, — дейди уй бекаси Марҳабо Қаршиева. — Чунки улар дастурхонга қўйилган ширинликларни меҳмонларнинг ёнида ҳам бемалол ейишни одат қилишган. Улардан қизганмайман. Ҳеч қачон ширинликсиз қолдирмаганман. Ўзим ҳам кўпинча турли ширинликлар тайёрлаб бераман. Аммо барибир бола-да. Айнан меҳмонларнинг ёнида ўзларини бундай тутиши мени хавотирга солади. Баъзан уларнинг тарбиясига яхши эътибор бермадиммикан, деб ўйлаб қоламан. Агар кичкиналигидан шу нарсани таъқиқлаганимда, балки ҳозир улар бошқача бўлишармиди...

Дарҳақиқат, болалигимизда уйимизга меҳмон келса, хурсанд бўлиб кетардик. Чунки уларнинг ёнида отонамиз бизни тергай олмас, фурсатдан фойдаланиб биз дастурхондаги ширинликлардан хоҳлаганимизча ердик.

Лекин бу айнан одобсизликка киришини ўша пайтда тушуниб етмаганмиз. Энди эса меҳмондорчиликда ёш болаларнинг ҳуда-беҳуда дастурхондаги ширинликларни чўнтакка жойлаётганини кўрсак, ота-онаси яхши тарбия бермабди-да, деб ўйлашга шошилмаганимиз маъқулмикан! Чунки ҳали у бола-да.

...Ўшанда янги йил байрами эди, деб эслайди бир танишим. Дадам байрам дастурхони учун турли ширинликлар билан бирга чиройли қутида каттакон торт ҳам олиб келганди. Эртагача яхши турсин, деб ойим уни ҳеч ким қирмайдиган совуқ хонага қўйди. Эртасига қарасак, тортнинг ярми ғойиб бўлибди. Кесиб олинмаганлиги четларининг гадир-будурлигидан ҳам кўриниб турибди. Ҳамма ҳайрон, бир-биримизга қараймиз. Шунда синглим: "Ҳа, билдим, бу сичқонларнинг иши. Кеча кечаси мен уларнинг дукур-дукур қилиб юрганини эшитгандим", — деди. Ваҳоланки, унинг кечаси яширинча тортнинг ярмини еб қўйганлиги кийимидаги рангли доғлардан маълум эди. Шушу ҳар йили янги йил байрами олдида бу воқеани эслаб қулиб оламиз ва синглимдан бу сафар сичқонлар қелишмасмикан, деб сўраб қўямиз.

Бу воқеадан хулоса шуки, ширинлик туфайли болалар ҳатто ёлғон сўзлашга ҳам ўрганишлари мумкин экан.

Хулоса

Шу ва юқоридаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун болаларни ёшлигидан фақат ширинликка ўргатмасдан, бошқа нарсаларга қизиқшини ошириш керак. Масалан, севимли ўйинчоқларини кўпайтириш, эртақ эшитиш, кўшиқ айтиш, шеър ёд олиш каби қизиқарли машғулотлар болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади. Шундагина ширинтойларимизнинг ҳам тарбиясига, ҳам соғлиғига эътибор қаратган бўлар эдик.

Райҳона ХУЖАЕВА,
"Ma'rifat" муҳбири

Болалигида ота-онасининг ҳар куни ишдан қайтишида қандайдир ширинлик олиб келишини интизорлик билан кутмаган бола бўлмас керак. Бу ҳолат ҳозир ҳам ўзгаргани йўқ. Фақат энди-ги қаҳрамонлар бизнинг кичкинтой ука-сингилларимиз, жажжи ўғил-қизларимиздир. Улар нафақат ота-онасига, балки бизга ҳам баъзан эркалик қилиб, чучук тилларида: "Йима обкелдиз" ёки, "обкеласиз?", дея саволомуз қарашади. Шундай пайтда кайфиятимиз яхши бўлса, унинг мўлтираб туришига қараб кўнглимиз юмшайди ва бирор нарса олиб келишга ваъда берамиз, аммо...

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, болангизга бир кунда қанча ширинлик берган маъқул? Мутахассисларнинг фикрига кўра, боланинг тез ўсаётган ва ривожланаётган организм етарли миқдорда си-

ҳам чўнтагидан икки дона туршакми, ёнқоқми ёки биттагина конфет бўлса ҳам бизга узатарди. Аммо бувим уларни қаердан олганликларини билмайман. Ҳарқалай набираларим келганда шошилиб қолмай деб ул-бул олиб юрар, чўнтагидан ҳар доим ширинлик топиларди.

Ҳозир ҳам бувимнинг бу одати ўзгаргани йўқ. Энди асосан кичик жияларимизга атаб ширинлик олиб юради. Баъзан бизга ҳам узатиб қолганида, уялиб кетамиз. "Қўйинг буви, кап-катта қизга ҳам конфет берасизми?", — деб уйдагилар гапиришса, "Катта бўлса, сизларга каттадир, аммо мен учун ҳали ҳам жажжи қизалоқ", — дея жавоб беради бувим. Шунда ўйлаб қоламан. Балки жажжиларнинг кўнгли учун катталар ўзлари истамасалар-да, меъёрдан ортиқча бераётганлигини сезсалар-да, фарзанди қўлига ширинлик тут-

ширинликларни меҳмонларга деб биздан яшириб қўяди. Бир куни қидириб, ҳеч қаердан тополмадим. Кейин ҳамма шкафларни хидлаб кўриб, шоколаднинг хидидан унинг қаердалигини топиб олиб, маза қилиб едим...

Достон, 7 ёш: — *Томоғим оғригани учун дадам билан ойим конфет ейишимга рухсат бермай қўйишди. Лекин жуда егим келаётгани учун бир куни дадамга кўчада сизни битта амаки чақираяпти, дедим. Дадам чиқиб кетганидан кейин чўнтакларимга конфетларни тўлдириб олдим-да, қочиб қолдим...*

Бола барибир бола-да, у ширинликни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш оқибатида турли касалликлар келиб чиқшини ҳозирча тушунармиди? Биргина онасининг таъқиқлашига қарамай, бошқа оила аъзолари томо-

тиб олиш керак. Шунда йиғлаб қоладиган бола ҳам бир-икки кундан кейин чоп-қиллаб келади бўлади. Чунки шўх мусиқа боланинг кайфиятини кўтариб, қизиқшини оширади ва боғчага чорлайди. Тарбиячиларнинг асосий мақсади ҳам уларнинг тезда боғчага мослашини таъминлашдан иборат. Айнан ширинлик уларни ҳамма нарсага кўндириши мумкин, деган фикр нотўғри. Бу масала юзасидан ота-оналар билан турли тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ.

Агар бола эндигина боғчага чиқаётган бўлса, уни юпатиш учун ширинликдан эмас, масалан, уйдаги энг яхши кўрган ўйинчоғидан фойдаланиш мумкин. Фарзандини боғчага олиб келишда ота-она "Ўйинчоғинг сени қутиб қолди, тезроқ бормасанг соғинади-ку" дейиши ёки

БОЛАНИНГ ОВҚАТЛАНИШ РАЦИОНИ

унда ҚАНДОЛАТ маҳсулотлари ҚАНЧАни ташкил этади?

фатли ҳамда тўйимли овқатни талаб қилади. Овқатланиш рационал бўлган тақдирдагина бола нормал ривожланиши мумкин. Бу ҳолатда ҳаддан ташқари ортиқчалик ёки етишмовчилик ҳам бола организмнинг ривожланишига салбий таъсир қилади. Шу жумладан, ширинликлар ҳам меъёрида истеъмол қилингани маъқул. Болаларнинг кундалик рационига қирадиган озик-овқат маҳсулотлари меъёрига кўра, 7 ёшгача бўлган болалар учун қандолат маҳсулотлари миқдори 55 граммни ташкил қилиши лозим экан. Хўш, бу меъёрнинг таъминланишига биз катталар қай даражада амал қиламиз?

Катта бўлса, ақли кириб қолар...

— Кенжа фарзандим ёшлигидан эрка бўлиб ўсганди. Унга ҳар куни ё дадаси, ё мен ишдан қайтишда ширинлик олиб келардик. Агар бирор сабаб билан ҳеч нарса олиб келмасак, жанжал бошланарди. Майли, катта бўлса бу одати қолиб кетар, эси кириб қолар, деган хаёлда ўзимизни тинчлантирардик. Аммо у ҳозир анча катта, 9-синфда ўқиса ҳам эски одатини ташлагани йўқ. Шунда ёшлигида бекор бу одатга ўргатиб қўйибмиз, энди қачон ташлайди, деб хавотирга тушиб қолдик, — дейди тўрт фарзанднинг онаси Малика Нодирова.

Бундай шикоят қилувчи оналар кўплаб топиларди.

Бувимнинг ёнқоқлари...

Яхши эсимда, ёшлигимда бувимнинг чўнтакларидан доим бирор ширинлик бўларди. Қачон бормайлик, кўришиб бўлгач, сўрамасак



қазаверармиканлар? Лекин нима бўлганда ҳам катталар ҳали фойда билан зарарнинг фарқи бормайдиган бола кўнгли билан эмас, ақл билан иш кўрганлари яхши-да.

Хархашанинг давоси — "чупачупс"ми?

«Боғчага бормайман», деб инжиклик қилаётган кичкинтойига онаси: "Агар борсанг, чупачупс олиб бераман", — деса у дарҳол йиғидан тўхтади. Гап фақат боғчага бормасликда эмас, умуман, болалар қачон инжиклик қилишса ёки йиғлашни бошлашса, дарҳол ширинлик тутишга одатланганмиз. Бу ишимиз билан уни юпатишга одатланганмиз, аммо тарбиясига ёмон иллатни юқтираётганимизни сезмаймиз ҳам. Оқибатда, у катта бўлганда ҳам шу одатга ўрганиб қолади. Хўш, энди нима қилиш керак? Ахир ширинликсиз иш битмаяпти-ку!

Асилбек, 3 ёш: — *Аям менга конфет емагин, дегани учун яшириб оламан. Лекин дадам ва акаларим ишдан, ўқишдан қайтишида ҳар хил нарсалар олиб келишади. Уларни кўп ёсам ҳам ҳеч нима қилмайди-ку...*

Гулнора, 5 ёш: — *Ойим*

нидан ширинлик билан кунда бўлмас-да, кунора сийланаётган бу каби "ширинтойлар" ҳам кўпчиликни ташкил қилиши барчага аён. Хўш, яна айбдор қидирамизми?

Мухтабар Алимтоева, ХТВнинг МТМ бўлими бошлиғи: — Тўғри, биз ҳаммисиз фарзандларимизни юпатишда ширинликдан фойдаланамиз. Аммо унинг болалар соғлиғи ва тарбиясига салбий таъсири ҳам йўқ эмаслигини баъзан унутиб қўямиз. Кўпинча ота-оналар болаларини боғчага олиб келишда йўл-йўлакай ширинлик олиб бераман, деб юпатишга уринишади. Шунинг ўрнига фарзандига рангли ва суратли китобми, ақлини ўстирадиган ўйинчоқми олиб берган маъқул. Болаларнинг боғчада қолмайман, деган хархашаларини фақат ширинлик билан тўхташи тўғри эмас. Уларни турли овутмачок, эркалатмалар айтиб, қўлига керакли ўйинчоқ тутиб ҳам боғчада олиб қолиш мумкин.

Ҳозир ёз фасли бўлгани учун боғчаларда асосий машғулотлар очик ҳавода ўтказилади. Турли соғломлаштириш машғулотларини ҳам ҳовлида ўтказиш яхши самара беради. Масалан, болаларни эрталабдан яхши мусиқалар билан ку-

ХОЗИРГИ КУНЛАР

ҚАДРИ

Мустақиллик даврида туғилган ёки сал олдинроқ туғилиб, шу замонда эсини таниган авлодга юртимизда ҳаёт доимо шундай бўлгандек туюлиши мумкин. Улар бугунимиздаги мавжуд маънавий неъматларнинг қадрига кўпроқ етишлари учун юртимизнинг кечаги аҳволи, истиқлол нималар бергани ҳақида кўпроқ суҳбатлашиб туришимиз керак шекилли. Бизнингча, бу борада китоблардан кўра донороқ суҳбатдошни топшиш қийин.

Шу томондан қараганда, болаларга атаб ёзилган китобларнинг тарбиявий аҳамияти янада бўртиб кўзга ташланади. Бундай китоблар эса кўп. Биргина Анвар Обиджон ижодига мурожаат қиладиган бўлсак, бу йўналишда бутун бир дарслик борлигига гувоҳ бўламиз. Шоирнинг болаларга аталган шеър ва ҳикояларида, қиссаларида тутқунликка қарши кураш катта ўрин тутганини мунаққиллар кўп қайд этишган. Лекин шоирнинг юртимиз мустақиллигидан сўнг Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг болалик чоғларига бағишлаб ёзилган, ёш инсоннинг хулқ-одоби, дунёқараши, характери шаклланиши, ўзлигини танишида билим ва тафаккурнинг ўрни муҳимлиги кенг таҳлил қилинган “Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри” сарлавҳали дoston-драмаси ҳали кам ўрганилган.

Анвар Обиджоннинг ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида босилиб чиққан “Одил Бургутшоҳ ва “Замбуруғ” лақабли жосус ҳақида эртак”, “Ўғирланган паҳлавон” каби дostonларида она тупроққа муҳаббат, миллий гурур туйғулари барқ уриб турганини кўрамиз. Айниқса, “Ўғирланган паҳлавон” юксак ватанпарварлик руҳида ёзилган. Унда шоир истеъдодининг янги чала жиллоларини, ўзига хос ифода услубини кузатиш мумкин. Она-юрт, унинг жамоли, бойликлари ва гўзаллигидан илҳомланган шоир ҳақли равишда шундай дейди:

*Чопқир экан сойлари,
Тоғ-қирлари серсавлат.
Бўлиқ экан ерлари,
Дехқонлари бадавлат.*

Ана шу тўкин юртнинг ҳоқони Дурбекшоҳ “маишатлар, базмлар, ёлғон-яшиқ мақтову ортиқча таъзимлар”ни хуш кўрмас, мамлакатни адолат билан бошқарарди. “Азим тоғлар ортида”ги ёвуз подшоҳ Шармоншоҳ эса, Дурбекшоҳни энгиш, унинг халқини қулга айлантириш ниятида пайт пойлаб юрарди. Шунда у Дурбекшоҳ ўғилли бўлганини, чақалоққа Хурбек деб ном қўйганини эшитди. Саройдаги жодугарнинг бу гўдак тенгсиз паҳлавон бўлажаги ҳақидаги башоратини эшитгач, унинг қора кўнглига гулгула тушади. Шоҳнинг амри билан жодугар гўдакни ўғирлаб келади. Умид юлдузи, ёлғиз овунчоғи Хурбекдан айрилган Дурбекшоҳ оғир мусибатга дош беролмай, охири вафот этади. Бу хабардан қувонган Шармоншоҳ ўзининг ёвуз ниятини амалга ошириш мақсадида Дурбекшоҳ юртига уруш бошлади.

*Бинафшалар топталди,
Жилгалардан оқди қон.
Яксон бўлди ўтовлар,
Ёнди дон ва тегирмон.*

Исми Ҳашпаш деб ўзгартирилган, ёвуз шоҳ саройида, жодугар қўлида тарбияланган Хурбек бу пайтда 15

ёшга тўлиб, тенгсиз паҳлавон бўлиб етишган эди. Ҳашпаш ботир майдонга тушганда унга ҳеч ким бас келолмади. Кўшинларининг чекинаётганини кўрган малика “Элим учун, эрим учун, болам учун қасос бу”, дея эркакча кийиниб, жангга отланади. Бутун бошли кўшинни деярли қириб ташлаган Ҳашпаш ботир довюррак маликадан эмас, “Она нигоҳи”дан энгилади. Паҳлавонни ўлдириш ниятида қилич санчмоқчи бўлган малика унинг елкасидаги чандиқни кўриб, ўғлини танийди. Шўрлик она жигарбандини ниҳоят тоғанидан қувонса, унинг ўғли ўз элига ёв бўлиб келганидан, айниқса, ўз тилини билмаслигидан изтиробга тушади.

Бу ерда рамзий маъно яширинган: “Болалар — бизнинг келажагимиз”, деб кўп гапиримиз, модомики шундай экан, ўз юртининг шайдоси, ўз тилининг ошиғи бўлиб улғаймаган бола “ўғирланган паҳлавон”нинг аҳволига тушади, ҳақиқий манкуртга айланади. Чинакам ватанпарварлик туйғуси кishiда бобомерос тупроққа меҳр, ота-онага фидойиларча муҳаббат, ўз тилининг жозибасига ошuftалик, ўз миллати қалб тафтини ҳис этиш замирида юзага келади. Кимки булардан бенасиб бўлдими, демак, ўз юртига ўзи босқинчи бўлиб келишдан ҳам тоймайди. Ўз ўғлининг мана шундай ночор аҳволини кўрган малика Яратганга илтижо қилади:

*Ҳеч бандани,
Эй, фалак,
Жудо қилма элидан,
Фарзандларни онадан
Ҳамда она тилидан!*

Бу дoston чоп этилган маҳалларда она тилимиз — ўзбек тили мавқеи тушиб кетган, таҳқирланган бир аҳволда эди. Бу сатрларни ёзиш шоирдан қанчалар дадиллик талаб қилганини тасаввур этиш қийин эмас.

Анвар Обиджоннинг “Одил Бургутшоҳ ва “Замбуруғ” лақабли жосус ҳақида эртак” дostonи ўзининг ёрқин образлари, жозибали тили, табиат ва ҳайвонот дунёсининг ўзига хос синоатини тиниқ ифодалаши билан ажралиб туради. Унда ҳикоя қилинишича, “далалари нотекис, яйдоқ, ярми ботқоқ, ярми қатқалоқ” ўрмон эгаси Қарчиғайшоҳ анча замонлардан бери “тош қалъалар, шинам кўрғонлар” соҳибни одил Бургутшоҳга зимдан душманлик қилар экан. Шоир бу иккала шоҳни ўраб турган мухитни усталик билан таърифлайди. Бургутшоҳ мамлакатида доно Тўти вазир, ботир Лочин лашкарбоши, хушёр Қизилиштон ясовул бўлса, у томонда “кирдил Қарға”, “сурбет Сор”, “қул Қораялоқ” Қарчиғайшоҳни ёвузликларга илҳомлантириб туришибди. Қисқаси:

*Бунда Булбул қилганда хонини,
Унда қаҳ-қаҳ урарди Бойқуш.
Сўфитўрғай тўқ эди бунда,
Қарға сарқит изларди унда.*

Воқеалар ривожига келадиган бўлсак, Қарчиғайшоҳ Сассиқпопшакни “Замбуруғ” лақаби остида Бургутшоҳ саройига жосус қилиб юборди. Бургутшоҳнинг икки фарзанди бўлиб, бу иккала ўғил — Чақмоқ ва Куёш бир-биридан ақлли, ботир эди. Улар доно вазирнинг қизи Шабнам билан болаликдан бирга ўсишган. Сулув қиз хориждан келган муаллим (жосус “Замбуруғ”) Попишак қўлида таълим олади. Шоҳнинг иккала ўғли ҳам Шабнамга ошиқ эди. Қизга эса кўпроқ Куёш ёқарди. Тортинчоқ Куёш индамай юравергач, Шабнам у мени севмайди деб ўйлайди. Биринчи бўлиб севага изҳор этган Чақмоққа турмушга чиқади.

Бургутшоҳ тахтини кичик ўғли Куёшга васият қилади. Бунини эшитган Попишак саройда фитна уюштириш ниятида Шабнамга: “Тахт вориси Чақмоқ бўлиши керак эди, лекин шоҳ Куёшни кўпроқ севиши тош босиб кетди”, дейди. Ҳийласи иш бермагач, Шабнам беморнинг олдига кириб чиққанида, вазиятдан фойдаланиб, касал Куёшни заҳарлаб ўлдирди. Бунда хотинининг қўли борлигидан шубҳаланган Чақмоқ эса, жаҳл устида Шабнамни бўғиб қўяди-ю, укасига Шабнам эмас, Попишак заҳар бергани маълум бўлгач, аламдан ёниб, ўзини баланд қасрдан пастга отади.

Дostonнинг диққатга сазовор томони шундаки, шоир бу гал яхшиликнинг ёмонлик устидан узил-кесил ғалабасини таъминлашга шошилмайди, хулоса қандай бўлиши мумкинлигини китобхоннинг ўзига қўйиб беради: одил Бургутшоҳнинг тахтига муносиб ворис бўлган доно ва босиқ ўғли Куёш ўлди, юртнинг эртанги куни бахтли тасодиф туфайлигина халок бўлмаган Чақмоққа қолди. Энди бу ёғи нима бўлади? Ахир, Қарчиғайшоҳнинг тажовузкор салтанати ўша кудратида турибди.

Бу “аниқ хулосаси бўлмаган” эртак азиз Туркistonимизнинг чор ҳукумати хуружга дучор бўлишдан олдинги аҳволини эслатувчи аянчли ҳолга тушиб қолишдан хавфсираш ва қадриятларимизнинг буткул оёқости бўлишидан даҳшатга ботиш оҳангида яқунланган. Эртак ниҳоясида Чақмоқ ва Шабнам биргалишиб, Куёшнинг қабрини зиёрат қилгани келишади. Чақмоқ гўр устида очилиб турган лолага тикилганича ҳазин ўйга чўмади. Шу жойда шоир ўзига ва бизга тинимсиз саволлар ёғдира бошлади:

*Кўз қадади лолага Чақмоқ,
Чақмоқ юртга бўлар бир кун шоҳ,
Қандай кунлар келгай ўшанда?
Ўт кетмасми ушбу гулшанга?
Сақланарми тахтда одиллик?
Авж олмасми қирғин, қотиллик?
Мўл бўлгайми сандиқларда дон?
Ўйлолгайми тунлар ёш ҳоқон
Элдошларин тақдирин бедор?
Боқолгайми ёвларга хушёр?
Босқинчидан кўрмасми завод*

*Сўқмоқдаги мукиллаган тол?
Юрт тарихин супурмасми ел?
Ўзлигини сақлолгайми эл?
Бузилмасми кўҳна қасрлар?
Топталмасми қутлуғ қабрлар
Ва ундаги ўйчан долалар?
... Эртак тамом.
Хайр, болалар!*

Дардини айтиб туриб, бирдан йиғлаб юборган одамни ҳеч учратганмисиз? Агар эътибор берган бўлсангиз, бундай киши гапириб-гапириб, тўсатдан тўлиқиб кетади-ю, сўзи чала қолганича, “бўлди, бу ёғини айтишга чиолмайман”, дегандек, шартта ўгирилиб, кетиб қолади. Шоирнинг ўз ўқувчиси билан кутилмаганда терс хайрлашиши кишига беихтиёр ўша ҳолатни эслатади.

Биз юқоридаги дostonни эртак, дедик. Ростдан ҳам шу асар эртакми? Агар эртак бўлса, ундаги воқеалар бизнинг узоқ ўтмишимиз эмасми? Агар эртак бўлса, демак, ҳақиқатга, ҳаётга жудаям яқин эртак экан. Модомики, кечагина эмасмиди парчаланган ва кучсизланган юртимизга маърифат, зиё тарқатиш ниқобига келиб, бор-йўғимизни талаб кетишгани? Демак, бу дoston эртак эмас, мустақилликка эришувимиз арафасида мустабиллар оёғи остида инграб ётган, ўша Чақмоқ кабилар бир пайтлари қўлдан бой берган ўлкамизнинг рамақижон танасини сийпалаб, ростакан йиғлашиди.

Шоир дostonдаги энг ҳаяжонли ҳолатларни ҳам халқимиз феълига хос босиқ оҳангга, жонли, ихчам тарзда тасвирлайди. Ўринсиз ташбеҳлар, сунъий иборалар, ясама эҳтиросларга берилишдан ўзини тияди. Бу табаррук замин истило қилинганда ҳам, “қутлуғ қабрлари”ни топташ абадий давом этмаслигига, қадриятларимизни қайта тиклаш учун яна минглаб Алпомишлар, Тўмарислар, Темурбеклар етишиб чиқаверишига шоир бизни ишонтиришга эришади, шиорбозликларсиз, сокин қуйилиб келаётган мусиқани эслатувчи оҳангга қалбимизга ишонч ва умид шарбатини қўяди.

Бугунги кунимиздаги улкан ўзгаришлар моҳиятини тўғри тушунишлари, қадрига етишлари, замоннинг янги авлодга нисбатан қўйган талабларини чуқур ҳис этишлари, Ватаннинг ҳар бир қақирғига дадил жавоб бера олишлари учун фарзандларимизни ўтмишдаги аянчли ҳоллардан кўпроқ воқиф қилиб боришимиз ҳам жуда зарур. Ўтмишга, тарихимизга бифарқлик, турмушимиздаги бугунги улкан ўзгаришларга лоқайдлик, умумхалқ ишларидан ўзини четга олиш ҳам ўзига хос бир сотқинлик эканини ёшлар онгига қайта-қайта қуйиб бориш болалар адабиётининг ҳозирдаги энг муҳим вазифаларидан биридир. Анвар Обиджон дostonлари мана шу йўлда бундан кейин ҳам асқотаверадиган асарлар сирасига қиради, деган фикрдамыз.

Хулкар ҲАМРОЕВА,
адабиётшунос

Бургутлар... Уни кимдир гурур ва мardлик тимсолига қийёсласа, кимдир оддий қилиб кушлар шоҳи, дея таърифлайди. Учкур нигоҳи, ўткир тирноқлари, кенг қулочли бақувват қанотлари ва шиддаткор парвози билан улар ҳақиқатан ҳам осмон сардорлари деган номга лойиқ.

Ривоят қилишларича, бургут ўз полапонига учишни ўргатишдан олдин уни елкасига миндириб, юксак чўққилар устида, булутлар орасида сайр қилдирармиш. Ўзи забт эта оладиган баландликка кўтарилгач, дилбандига шундай сўзларни айтармиш: “Болажоним, мана шу баландлик менинг умр бўйи интилган ва узоқ машаққатлардан сўнг етишган манзилим. Сен эса биринчи парвоздаёқ уни забт этдинг. Бир кун келиб қанотларинг кучга тўлганда бундан минг карра юксакроқ учишинг керак, мен ета олмаган чўққиларга сен етишинг лозим. Чунки сен бургут боласан!”

ҚУЁШГА ТИК

Ҳа, бу ривоятда ҳам ўзига хош чуқур маъно бор. Унда умр бўйи “Болам мендан кўра юксакроқ марраларни кўлга киритсин” деган эзгу ният билан яшовчи халқимизнинг орзумидлари мужассамдек. Ушбу кичик ривоятни ўқигач, ота-онанинг жигарбандига, устознинг ўз шогирдига айтадиган дил сўзларини эшитгандек бўласиз...

Қадимдан сайёрамининг аксарият худудида бургутга қуёш рамзи сифатида қаралган ва юксак баҳо берилган. Бора-бора бу қараш Данте, Ҳеродот ва бошқа кўплаб ёзувчи ҳамда мутафаккирлар асарларида гриф (бургут ёки арслон бошли, арслон гавдали, баҳайбат қанотли маҳлуқ) қахрамонларнинг тасаввурда юзага келишига сабаб бўлди. Бундан шундай тўхтамга келиш мумкинки, кўҳна замонларда бургутлар ўрмон “шоҳи” — шерларга тенг қўйилган. Фарба эса бургут муқаддас маъбуд Иоанн тимсоли бўлиб келган ва ҳамшиша у билан биргаликда, ёнма-ён тасвирланган. Маъбуда билан боғлиқ афсоналарга кўра, бургут бошқа қушларга нисбатан анча баланд учиб, қуёшга тик боқиш хусусиятига эга бўлган. Яна бошқа асотирларда бургутлар қариган чоғида то қанотлари куйиб кетгунча қуёшга яқинроқ бораверади, деган фикр илгари сурилган. Шу ҳаракатни уч маротаба такрорлагач, ниҳоят қанотларидан айрилиб, пўртанаю тўлқинлари билан қирғоқларга чанг солаётган денгизу уммонларга қулаб, кўздан ғойиб бўларкан. Энг қизиғи, уч кундан сўнг бургут ўзида ёшлиқ қувватини қайтадан тиклаб, жўшқин ҳаётга қайтаркан...

Илмий манбаларда келтирилишича, бургутлар — қирғийлар оиласига мансуб йиртқич қушлар сирасига киради. Бургутларнинг ўзига хос, бошқа «қавмдош»ларидан ажратиб турадиган жиҳатлари шуки, уларнинг тана тузилиши жуда оғир, катта ва кенг қанотлари силкиниш, тез ҳамда шиддат билан ҳаракатланишга ёрдам беради, қайрилма тумшуги ва йирик-йирик тирноқли кучли панжалари ўлжаси-



БОҚҚАН НИГОҲ

га ташланганда ўзининг ҳақиқий кучини кўрсатади. Оёқ қисмидаги узун-узун, момиқ ҳамда товланиб турувчи патлари ташқи томондан унинг салобатини оширади. Бургутлар ов қилиш жараёнида ер юзасидан имкон қадар баландроқ учишга ҳаракат қилади ва бунда албатта ўзларининг ўткир нигоҳлари ёрдамига таянади.

Осмон «қўриқчилари» асосан Европа, Осиё, Африка ҳамда Шимолий Америка қитъаларида кўп учрайди. Ўрта Осиё худудида тоғ, чўл ҳамда саксовулзорларда, одамлар кам яшайдиган жойларда, қоя-тошлар орасида учратиш мумкин. Умумий танаси 75—88, баъзида 95 см.гача бўлади, дум қисми калта, қанотлари кенглиги 62—72 см., ёйилганда 2 метргача етади. Оёқлари панжасигача патлар билан қопланган бўлади. Патлари ранги тўқ кўнғир, бош қисми малла рангда бўлади. Қизиқ ва ҳайратланарли жиҳати шундаки, уларнинг нигоҳи шу даражада ўткир ва кучлики, ҳатто қуёшга ҳам тик боқа олишади.

Бургутлар асосан юксак қояларда, баланд ва сершоҳ дарахтларга ин куради. Бургутлар ҳаётининг яна бир қизиқ томони шундаки, улар бир-бирига яқин-яқин жойларда 2—3тадан инлар куради, бироқ биттасидагина яшайди. Йилига 1—2та тухум қўяди. Полапонларини боқишда нар бургут ҳам иштирок этади. Нар ва мода бургутлар одатда доимо бирга бўлади. Тухумининг ранги хира оқ ёки кўнғир тусда бўлади. Улардан бири нобуд бўлсагина, иккинчиси ўзига бошқа шерик қидиради.

Бургутлар кичик ва ўртгача катталиқдаги умуртқалилар, яъни каклик, юмронқозик, тошбақа, куён каби ҳайвон ҳамда паррандалар билан озиқланади. Ўлжасини узоқдан аниқ мўлжалга олади ва тез-

Bilasizmi?



лик билан учиб бориб, туйқусдан унга ташланади. Ҳаётни узлуксиз курашларда ўтказувчи бургут ўз полапонига уясидаёқ ов қилишни ўргатади. Шу тариқа улар “ката ҳаёт”га тайёр овчи бўлиб парвозга шайланади.

Ҳа, она табиатнинг бизга маълум номалум қирралари, сирлари ҳали бисёр. Шулардан бири бўлган бургутга хос жиҳатларни кашф этиш асносида ҳам кўплаб хулосаларга, ажойиб ечимларга дуч келишимиз мумкин. Бургутлар ҳақидаги маълумотларимизни янада бойитиш мақсадида Тошкент ҳайвонот боғи мутахассисларига ҳам муурожаат қилдик. Қушлар бўлими зоотехниги Саъдулла Турсунхўжаевнинг айтишича, Тошкент зоопаркида парвариш қилинаётган бургутлар асосан Ўзбекистон тоғларидан, чўл ва чакалакзорларидан келтирилган экан.

— Ҳайвонот боғимизда бургутларнинг бир неча хили — чўл бургуту, оддий ва митти бургут каби турлари сақланади, — деди Саъдулла Турсунхўжаев.

— Марказий Осиё худудида эса бургутларнинг 7 хил тури учрайди. Дунё бўйича бургутларнинг жуда кўп тури мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти 50—60 йил умр кўради. Шуни айтиб ўтиш жоизки, зоопаркларда сақланадиган қушлар ва жониворларнинг аксарияти ўз табиий умр кўриш ҳолатига нисбатан 30—40 йил кўпроқ ҳаёт кечиришади.

Бургутлар бир-биридан ташқи кўринишига қараб фарқланади. Бир қарашда оддий томошабин улар ўртасидаги фарқни билмайди, лекин син-

чиклаб қарасангиз, албатта, сезасиз. Масалан, чўл бургуту билан оддий бургутни фарқлаш учун уларнинг оёқ қисмига, тирноқларига, тумшугига эътибор бериш лозим. Оддий бургутнинг тирноқлари ўткир ва узун, умумий кўриниши бироз катта, тумшуги ҳам учли, йирикроқ бўлади. Барча турдаги бургутлар баҳор ойида кўпаяди. Айрим бургутлар йилига бир маротаба 2—4тадан тухум қўйишади, яна баъзи бир турлари йилига икки мартадан (ҳар бирида 1-2тадан) тухум қўйишади.

Уларнинг умумий ва ўхшаш жиҳатини асосан озиқланиш шароитида кузатишимиз мумкин. Пойтахт зоопаркига ташриф буюрган кўплаб томошабинлар бургутларнинг ташқи кўринишига қараб, уларга етарлича овқат берилмайди, шунинг учун кичик кўринишга эга, деб ўйлашади. Бу фикр мутлақ нотўғри. Уларнинг табиий кўринишига нисбатан кичикроқ кўринишига сабаб — тутқунлик шароитидир. Қадимги ёзма ва оғзаки манбаларда озодлик курашчилари тимсолига айланган қушлар бундай шароитда нафақат кичик кўринишга эга бўлади, балки уларнинг кўпайиш жараёни ҳам секинлашади. Натижада, қушлар бора-бора икки ёки уч йилда бир маротаба тухум қўядиган бўлиб қолади.

Лекин бугунга келиб, бургутлар сони кескин камайиб кетмоқда.

Ана шу жиҳатдан бургутлар ноёб ҳамда йўқолиб бораётган ҳайвонот олами вакили сифатида Ўзбекистон ва бошқа давлатларнинг ҳам “Қизил китоб”ига киритилган.

Кўз қарашларида мағрурлик, кенг қулоч ёзиб, юксакларга қанот қоқишда ботирлик ва эркинликни намоён этувчи бургутлар осмон «хукмдори» номини оқлайди. Важоҳат, қаҳр ва жиддийлик мужассамлашган нигоҳи, кескин ҳамда шиддаткор парвози чоғида улар гурур, мardлик ва жасорат тимсоли эканини яна бир карра исботлайди.

Шаҳина ЖУРАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири



ЧУЧУК СУВ ВА ДЕНГИЗ ҚОЯПАРИ

Чучук сув Флорида-Кис ороллари атрофидаги қоя(риф)ларнинг ўзгариб бораётган атроф-муҳитга аста-секинлик билан мослашишига ижобий таъсир кўрсатар экан. Бу ҳақда «Сувости экологияси ривожини» илмий тадқиқот нашрида мақола эълон қилинди.



Флорида технологик университетининг эколог олими Роберт ван Войзик ва талаба Ден Вагнер ўтказган изланиш шундай тўхтамга келишга ундади. Тадқиқот натижалари атроф-муҳит ҳолати ва қоялар ривожланиши ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигига амалий далил бўлди.

Тадқиқотчилар қуйидагиларни маълум қилдилар: Флорида-Кис оролларидаги сув охириги бир неча ёз мавсумида илиб бораётган пайтда чучук сувдаги кораллар бир маромда ривожланган. Эътиборлиси, сувда кўп миқдордаги озуқа моддалари бўлмагани ҳам қайд этилган. Айни пайтда ифлосланган сувда одатда қизғин тусда бўладиган корал қоялари рангсизланиб, нобуд бўла бошлаганди.

— Оқва сувларнинг чиқарилиши жараёнини назоратга олиш коралли қояларнинг иқлим ўзгаришлари жараёнида ҳам бир маромда туришига ижобий таъсир қилади,— деди бу борада профессор Роберт ван Войзик.

лида ёзилишича, бундай бўғимлар сунъий турдагиларига нисбатан узоқроқ вақт хизмат кўрсатиб, бўғимларни алмаштиришдек мураккаб жарроҳлик операцияларига чек қўяди.

Тадқиқотни Колумбия университети профессори Жереми Мао ва унинг ҳамкасблари — Миссури ҳамда Клемсон университетлари олимлари ҳамкорликда амалга оширган. Улар компьютер ёрдамида ҳажми ва шаклига кўра қўён оёғига монанд сунъий қобирға(каркас)ларни яратган. Улар қўёнларнинг оёқ суякларини олиб ташлангандан сўнг танага киритилган.

Организмда ўсишга мослаштирилган сунъий тана аъзолари вақт ўтиши билан жароҳатланган суяк қисмини тиклаган. Жарроҳлик операциясидан 3-4 ҳафта ўтгач, ҳайвонлар худди ҳеч қандай ўзгариш бўлмагандай бемалол ҳаракатлана бошлади.


Олимлар ушбу кашфиёт тиббиёт ривожига катта аҳамиятга эга, деган фикрда. Бир сўз билан айтганда, янгича муолажа туфайли келажақда одамлар ортиқча қийинчиликларсиз суяк ва тоғай тўқималарини «ўстириш» имконига эга бўлади.



ҚОПЧИҚЛИЛАР ВАТАНИ ҚАЕР?

Австралиёда яшайдиган халтали ҳайвонларнинг асл келиб чиқиши Жанубий Америка қитъаси билан боғлиқ экан. Немис олимлари Америка ва Австралия қитъаларининг қопчиқли ҳайвонларига хос генетик хусусиятларни ўрганган ҳолда шундай хулосани тақдим этган, деб ёзади «Плос биоложи».

Мюнстер университети профессорлари Мария Нильсон ва Геннадий Чураков мақоласида икки қитъанинг халтали ҳайвонлари гени батафсил ўргангани ёзилган. Жараёнда Жанубий Америка опоссуми (қопчиқли каламуш), кенгуру ва 20га яқин турдаги халтали ҳайвонларнинг ДНК тузилиши таҳлил этилган. Яқунда эса мазкур ҳайвонлар битта умумий келиб чиқиш тарихига эга экани қайд этилди.




Таъкидланишича, қопчиқлиларнинг аجدодлари бундан 125 миллион йил илгари ҳозирги Хитой ҳудудида яшаган. Олимларнинг сўзларига қараганда, ҳайвонлар ўтмишдаги Гондвана қитъаси бўйлаб ҳаракатланиб, ҳозирги Жанубий Америкага етиб олган. Кейинги даврларда бу ердан Австралия ва Индонезия оролларига кўчиб ўтган.

Мутахассислар халтали ҳайвонларнинг келиб чиқишини бир неча ўн йиллардан бери ўрганган. Бундан олдин қопчиқлилар ilk маротаба Австралиёда пайдо бўлиб, кейинчалик, аниқроғи, 80 миллион йил олдин Жанубий Америкага кўчиб ўтган, деган қараш илгари сурилганди.

БАНАН — ВИРУСГА ҚАРШИ

Мичиган университети (АҚШ) олимлари охириги бир неча йиллар давомида озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, сабзавот ва меваларнинг фойдали хусусиятларини ўрганишган. Натижада, улар бананнинг юқори даражадаги вирусларга қарши хурашиш хусусиятига эга эканини аниқлашди, деб ёзади «Нейчэ».



Мутахассислар меванинг вирусга қарши бундай самарали равишда курашишини унда алоҳида турдаги оқсилларнинг борлиги билан изоҳлашган. Боиси, бу турдаги оқсиллар кўплаб дори-дармон воситалари каби салбий таъсир кўрсатувчи микробларни нобуд қилиши кузатилган.


— Илмий таснифлашда бу оқсиллар лектинлар гуруҳига киритилади, — деди бу борада тадқиқотчилар. — Улар банан таркибида кўп бўлиб, вирусларнинг организмдаги ножўя ўзгаришларга олиб келадиган таъсирини йўқ қилиш хусусиятига эга. Энг аҳамиятлиси, улар ОИТСни даволашда мураккабликлар туғдирадиган ҳолатларга қарши жуда самарали курашиши қайд этилган. Агар оқсиллар асосида ҳапдорилар ишлаб чиқилса, улар касаллик кўзгатувчиларга ҳам қўшилгандек таъсир ўтказиши мумкин.

Шу билан бирга, таркибида банан оқсиллари мавжуд дори-дармонлар у даражада қиммат бўлмаслиги таъкидланган. Бу жиҳат организмда инфекциялар борлиги аниқланган кўплаб инсонлар учун айниқса қўл келади.



318 МИЛЛИОН ЙИЛЛИК ТОПИЛМА

Канададаги Фанди қўлтигининг қирғоқбўйи қояларида бундан 300 миллион йил илгари яшаган рептилия (судралиб юрувчи)лар излари топилди. Мазкур ҳодисанинг эътиборли томони шундаки, топилма Ер юзасида ҳаёт кечиришга мослашган ilk умуртқалилар тўғрисидаги археологик далил бўлди, дейилади «Компьюлента» манбасида.



Излар Лондон университети илмий ходими Говард Фалкон-Лэнг томонидан аниқланган. Ушбу ўзига хос изланишда, шунингдек, Бристол университети олимлари ва канадалик тадқиқотчилар ҳам иштирок этган.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, сайёраимизда фақатгина битта қитъа — Пангея бўлган ilk тош даврида ер юзига биринчи бўлиб ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшовчи ҳайвонлар чиққан. Аммо уларнинг ҳаёт кечириш муҳити соҳилбўйи ботқоқликлари билан чегараланган. Шу боис, кўпайиш учун ушбу амфибия жонзотлар ўша даврда ҳам бугунги кундагидек сувга қайтиши лозим эди.

Палеонтологлар анча пайтдан бери рептилиялар сувда ҳаёт кечиришдан воз кечган ilk ҳайвонлар эканини назарий тахмин қилиб келишган эди. Топилма туфайли эса тахмин ўз исботини топди. Чунки қадимий излар неча юз миллионлаб йил илгари яшаган мазкур ҳайвонларнинг океандан юзлаб километрлар узоқликдаги водийларда яшаганини кўрсатмоқда.


Маълумот ўрнида таъкидлаш зарурки, археологлар 2007 йили мамлакатнинг Янги Шотландия провинциясида ҳам шунга ўхшаш изларни аниқлашганди. Янги топилма эса аввалгисидан ҳам қадимийроқ экани таъкидланмоқда. Профессор Фалкон-Лэнгнинг айтишича, Фанди қўлтиги муҳим археологик ҳудудлардан бири. Сабаби, қоялар тез-тез кулаб тушади, бунинг натижасида ҳар гал янгидан-янги топилмалар аниқланиб, олам тўғрисидаги қатор жумбоқли саволларга жавоб топилмоқда.

БЎҒИМЛАР МУОПАЖАСИ МУАММО БЎЛМАЙДИ!

Обғининг тизза ёки сон қисмидаги оғриқдан шикоят қиладиган инсонлар яқин келажақда ўз организмидан олинган тармоқли хужайралар муолажасидан ўтиш имконига эга бўлади. Негаки, олимлар инсон танасининг ўзидаёқ соғлом фаолият юритадиган бўғимларни шакллантириш мумкинлигини ilk маротаба намойиш этишди. «Лансет» тиббий журна-

БАКТЕРИЯЛАР — БИОЛОГИК ЁҚИЛГИ АСОСИ

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан тайёрланадиган янги биологик ёқилгини яратишда оддий бактериялар муҳим роль ўйнаши мумкин экан. Муҳими, бундай ёқилги ўз хусусиятларига кўра бензиндан фарқланмайди ва унинг нархи ҳам ҳамёнбоп бўлиши кутилмоқда, дейилади «Сайнс» журналида.



Гап шундаки, бир гуруҳ тадқиқотчилар ген муҳандислиги ёрдамида E.coli зарарсиз бактерияларини уларга хос бўлмаган кимёвий бирикма — тўйинган углеводород ёки алканларни ишлаб чиқаришга йўналтира олди. Уларнинг айтишича, айнан алканлар бензинни ташкил этувчи асосий модда ҳисобланади. Шу боис, биологик ёқилги ҳосил қилингандан сўнг дарҳол ёқилги қуйиш шахобчаларига жўнатилиши мумкин. Бунга қадар биологик ёқилгидан оммавий равишда фойдаланишда махсус станциялар, тозалаш ва ётказиб бериувчи қувурлар ўрнатилиши талаб этилган. Чунки уларнинг кимёвий таркиби табиий ёқилгидан фарқланган. Айнан шу сабаб олимлар кимёвий таркиби нефтга ўхшаш янги ёқилги турини ишлаб чиқиш устида бош қотириб келаётганди. Муваффақиятга биринчи бўлиб Сан-Францискодаги «Эл-Эс-9» компанияси эришди. Тажрибада олимлар циан бактерияларининг генетик асосларидан фойдаланган.

— Умуман олганда, алканлар биологик синтезининг бир босқичли жараёнини ташкил этишга эришдик, — деди ишлаб чиқарувчилардан бири Андреас Шимер. — Биздан фақат хомашёни тозалаш ва ундан бактериялар учун озуқа моддаларни ажратиш олиш талаб этилди, холос. Навбатдаги босқичда эса транспорт воситаларида фойдаланишга тайёр ёқилги олишнинг урдасидан чиқдик.

Ихтиро муаллифлари бактерия чиқиндилардан олинган углеводородлар билан ҳам озиқланиши мумкинлигини аниқлашган. Ҳозирча олимлар тажриба қурилмасида 10 литр янги турдаги ёқилгини ишлаб чиқаришди. Лекин келгусида компания томонидан ишлаб чиқариш ҳажми оширилиб, икки йил ичида ихтисослашган корхона ташкил этиш режаси тузилгани ҳам маълум қилинди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбековга падари бузруквори

Жуманазар ХОЛБЕКОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

So'z ko'rki

NEGA SHUNDAY
DEYMIZ?

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda.)

U

Uydagi gap ko'chaga to'g'ri kelmaydi. Muqobillari: "Uydagi gap bozorga rost kelmas"; "Uydagi hisobni bozordagi narx buzadi". Odatda biror rejalangan ish belgilanganidek bo'lib chiqmasa, aytilgan, buyurilgan vazifani vaqtida uddalolmay mulzam bo'linsa, shu maqolni ishlatadilar. O'zbekda bunday hollarda yupatuvchi, shukronaga yo'g'rilgan maqol ham bor. "Men qilaman jahdu jadal, Xudo qilur ahdu azal" maqoli o'limdan boshqa hamma yumushning iloji bor, Xudo bir tomonga boshqarar, deb umid uzmaydilar.

Usta ko'rmagan shogird har maqomga yo'rg'alar. Maqol o'z ma'nosiga teskari mazmunda. Aslida "Usta ko'rgan shogird har maqomga yo'rg'alar" bo'lishi kerak, bizningcha. XIX asr olimlari yozib olgan maqolda "Usta ko'rgan shogird har maqomga yo'rg'alur, usta ko'rmagan shogird undin-bundin qarmalur" deyiladi. Bu bilan usta ko'rgan shogird yumushni mahorat bilan ijro qiladi, ko'rmagan undan-bundan, har sohadan bir shingil qabilida ado etgan bo'ladi, deyilmoqchi. Muqobillari: "Otboz ko'rgan ot tanir, ustoz ko'rgan xat tanir"; "Daraxtiga qarab mevasi, ustasiga qarab shogirdi"; "Shogird ustasidan o'zmasa, kor yitar"; "Ustasi garang, shogirdi farang"; "Ustasi vavaqlasa, shogirdlari bitbidilqaydi"; "Usta borida qo'lingni tiy, ustoz borida tilingni".

X

Xizmatga tuhmat. Muqobili: "Ham xizmat, ham tuhmat". Bu maqollarni kishining qilgan xizmatlarini, yaxshiliklarini taqdirlamaydigan, darhol unutadigan, aksincha, unga yomonlik qilib, tuhmatlar yopishtiradigan noinsof, ko'rnamak, xiyonatkor odamlarga nisbatan ishlatadilar. Xalq orasida bu maqolga yondosh "Yaxshilikka—yomonlik" degan naql ham bor. Yaxshilik qilib yomonlik ko'rgan odamlar "Savobning tagi teshik" deya o'z-o'zlari va yaqinlarini yupatadilar.

Xushomad tili yalab-yalab yara qilar. Xushomadgo'y, tilyog'lamachi, laganbardorlar o'z manfaatlarini yo'lida biror foydasi tegadigan odamga chunonam yaxshi, iliq-issiq muomalada bo'ladilar, benihoya shirinsuxanlik qilib, uning oyog'ini o'pgudek bo'ladilar. Kishi bunday soxtalik, qalbakilikdan erib ketib, aldanganini sezmay ham qoladi. Mazkur va shunga o'xshash maqollarda bunday hollarda ehtiyot bo'lishga da'vat etiladi: "Xom kishini xushomad xarob qiladi"; "Shirin gapga uchma, maqtaganni quchma"; "Chiroyli maqtovdan xunuk haqiqat yaxshi".

Xomsan — pisharsan, bu shashtingdan tusharsan. Bu maqolni ishlatish bilan "Hozir katta ketayapsan, mag'rurlanayapsan, hali yosh, tajribasizsan. Lekin vaqti-soati kelib, hayotning achchiq-chuchugini totib ko'rganingdan keyin pisharsan. Noo'rin havolanmaydigan, o'zingni kamtar tutadigan bo'lib qolasan", demoqchi bo'ladilar. O'pkasi baland yigitning hovurini bosish uchun "Men ham edim seningdek, sen ham bo'larsan meningdek" degan havola gap ham qiladilar.

Xo'roz qichqirmasa ham tong otadi. Muqobillari: "Xo'roz men qichqirmasam, — tong otmaydi, der ekan"; "Xo'roz yo'q joyda ham oftob chiqaveradi". Bu maqollar bilan "Men aralashmasam, yordam, maslahat bermasam, hech bir ishing bitmaydi, boshqa hech kim buning uddasidan chiqqa olmaydi" deguvchilarga inkor javobi aytiladi. Bu bilan shu toifadagi odamlarga: "Ko'p maqtanmay, o'z bahoingni oshirmay qo'ya qol. Bu ish sensiz ham bitib turibdi" degan ma'noda muomala qiladilar.

Ramz, timsolga yo'g'rilgan kinoyaviy, istehzoli, kesatq maqoli.

Mahmud SATTOR

(Davomi bor.)

«Болангиз учун биринчи сабоқ — майли, итоаткорлик бўла қолсин. Ана шундагина сиз нимани лозим, деб топсангиз ўша иккинчи сабоқ бўлади», деган экан мутафаккирлардан бири.

Ҳа, бола тарбияси ота-оналардан, энг аввало, масъулиятли бўлишни, жиддий ёндашишни талаб этади.

Биз ёшлиқдан жуда қўқадиган бир тоғам бор. У уйимизга келганда, ҳеч биримизнинг қорамиз кўринмасди. Энг тўполончи ука-сингилларимиз

эрига шикоят қилади. Чарчаб келган ота болалари билан савол-жавоб қилишга ўтади. Ишдан асаблари таранг бўлиб келган ота жаҳли чиққанча болани уришади, унга рухсатисиз ўртоқлари билан ўйнашу, телевизор кўришни тақиқлаб қўяди. Фақатгина дарс тайёрлашни буюради. Бола бир оғиз сўз айтиш у ёқда турсин, кўз қирини ҳам ташлолмай, қўққанидан барча айтилганларни бажаришга сўз берган бўлади. Ҳолбуки...

Отанинг бу ўриндаги хатти-

Fikr



мумкин эмас. Ёки кийиниш борасида ҳам қатъий меъёрлар қўйилади. Тўғри, буларнинг ҳаммаси оиланинг ички интизоми асосида, қолаверса қизларнинг келажаги, тарбияси учун қилинади. Аммо, бунинг ҳам салбий томонлари йўқ эмас? Айтайлик, қиз дугоналари билан айланишга чиқмоқчи ёки бир ўртоғининг хонадонидан бирга дарс қилмоқчи. Она эса бунга ўйланиб ўтир-

ТАРБИЯДА ҚАТТИҚҚЎЛЛИК
МЕТОДИ

ҳам мум тишлаб қолишарди. Энди бирон базм ёки туғилган кун, йигин бўлса, дарҳол тоғам кичкинтойлар тўполон қилмаслиги учун «ёрдам»га чақирилар эди. Шу пайтгача уни ёмон, қаттиққўл деб ҳисоблардим. Ўзи биз ўйлаганчалик «ёмон тоға» бўлмасда, қариндош-уруғлар орасида қаттиққўлликда тенги йўқ. Фарзандлари ҳам отасини кўрганда зир титраб туришади. Баъзида ўйлаб қоламан. Болага қаттиққўллик қилиш керакмикан?

— Болага қаттиққўллик қилиш керак, — дейди педагог Нозима Усмонова. — Қаттиққўллик, асосан, меҳнат тарбиясида ота-онага зарур бўлади. Агар биз болани ёшлиқдан меҳнатга қатъий ўргатмасак, дангаса бўлиб қолиши мумкин. Шунингдек, дарс тайёрлатишда ҳам ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кундалик турмушимизда, кўпчилик хонадонларда кузатиладиган ҳолат: кун бўйи уйда болаларнинг тўполончилиги, дарс қилмаслиги ҳақида она эндигина ишдан келган

ҳаракати қанчалик тўғри?

— Қаттиққўллик меъёридан ошиб кетса, бола қўқоқ бўлиб қолиши мумкин. Ўзи мустақил фикрга эга бўлмай, бировларнинг кўмагисиз бирор қарор қабул қилолмай, бирон иш бажаролмай қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса, унинг келажагига ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди, — дейди Н.Усмонова.

— Кўпчилик ота-оналар тарбияда тўғри йўл фарзандни қаттиқ ушлаш, деб ҳисоблашади. Энг аввало, буйруқларга бўйсундириш, кейин эса, ўргатишни бошлаш керак, деб ўйлашади. Лекин, менимча, бу нотўғри. Бола қўққанидан ота-онасининг айтганини қиладиган бўлиб қолади. Оқибатда эса, фақат буюрилган ишнинг бажаради, — дейди кекса онахон Н.Убайдуллаева.

Баъзида миллатимизга хос азалий удумлар ҳам қаттиққўлликка сабаб бўлиши мумкин экан. Масалан, баъзи оилаларда қизлар учун кўпгина чекловлар бор: туғилган кун, ўтириш, йигинларга бориши

масдан рад жавобини беради. Чунки ота ҳам, она ҳам қиз бола уйда ўтириши керак, деб ҳисоблайди. Бу каби ўта қаттиққўллик қилинадиган ҳолатлар ҳақида педагог Маҳфуза Эргашева шундай фикр билдиради:

— Ўта қаттиққўллик натижасида бола ота-онасига нисбатан меҳрсиз бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун катталар қаттиқ тартибда тарбия қилиш баробарида болага меҳр ҳам бера олиши, керакли пайтда уни рағбатлантириб, эркалаб туриши керак.

Хитойликларда шундай мақол бор: «Фарзандингизга тилини тийишни ўргатинг. Гапиришни ўзи ҳам ўрганиб олади». Ҳа, бу ўринда хитой халқи қаттиққўлликни ҳам назарда тутган бўлса, ажабмас. Ушбу кичик мулоҳазада ҳаётий мисолларни келтиришга ва шулар орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Албатта, ҳар бир ота-онанинг ўз тарбия усули, борингки, методи мавжуд.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

БИРОВНИНГ ҲАҚИ НАСИБАМИ?

Ҳар ким ўз ризқини териб умргузаронлик қилади, унга насибасидан ортиғи насиб этмайди. Буюргани ҳалол, «буюртирилгани» эса...

Йўлда такси тўхтатдим. Киракаш манзилмига элтиб қўйишга рози бўлди. У ўрта ёшлардаги киши эди. Йўл-йўлакай мени суҳбатга тортди:

— Қаерликсиз, ука, қишлоқликка ўхшайсиз.

— Биласизми, шу қишлоқдан келганлар жуда содда бўлишади-да. Икки кун олдин учта бола машина тўхтатди, туришидан бу ерлик эмасликлари кўриниб турарди.

Улар «Гап» ресторанига элтиб қўйишимни сўрашди. Ресторангача пиёда ўн дақиқалик йўл. Лекин улар манзилни билишмас экан, шунинг учун айланма йўллар орқали озроқ чалкаштириб ресторанга олиб бордим ва кўп пул олдим, — киракаш акамиз худди бирор-бир кашфиёт қилгандек мағрурланиб гапирарди.

— Сиз олган ўша пул бировнинг ҳақи-ку? — энди жавоби қандай бўларкан, дея чўрткесарлик билан сўрадим.

— Ҳа энди, бир насиба-да, ука.

Манзилмига етгач, ўйлай бошладим. Ҳаёлимда ҳамон киракаш аканинг сўзлари: «Насиба-да, ука».

Инсонга буюрганигина насиба бўлади, бировнинг ҳақи эса бошқага буюрмайди-ку? Шундай экан, қандай қилиб бу насиба бўлиши мумкин?

Талабанинг ҳар бир куни йўлда ўтади. Вақт тигиз ёки узокроқ жойдан кўпроқ юк билан келишга тўғри келди. Шундай ҳолларда киракашлар корингизга ярайди.

Яқинда бир курсдошим суҳбат орасида ўзи дуч келган воқеани сўзлаб берди:

«Уйимдан келган нарсаларни олиш учун «Ипподром»га боргандим. Нарсаларим кўплиги сабабли такси тўхтатишга мажбур бўлдим. Ёнимда бир қишлоқдошим бор. Икки киши Беруний метросигача 3000 сўмга келишдик. Таксичи рози бўлди. Метрога келгач эса ҳайдовчи ҳар биринг 3000 сўмдан берасанлар, деб туриб олди.

Келишган нархдан ортиқ бермаслигимни айтдим. У шунақанги сўзларни гапирдики, ҳамқишлоғим олдида хижолат бўлдим. Таксичига «Ака, лафз қилгансиз ахир, келишгандики», десам, «Ука, ризқимни қийма-да, айтганимни бериб кетавер», деди. Шеригимни ноқулай ҳолга қўймаслик учун пулни беришга мажбур бўлдим».

Воқеадаги ҳолат менга таниш эди. Ризқ, насибасини «териб» юрган бундай инсонлар ён-атрофимизда баъзида учраб туриши аниқ.

Йўловчиларнинг узоғини яқин қилишдек савобли ишни ўз зиммаларига олган киракашларимизнинг вазифаси машаққатли ва масъулиятли. Фақат шу савобни ўзгаларни алдашдек номақбул иш ҳисобига ювиб ташла-масалар эди.

Низомжон ИСЛОМОВ,
ЎЗМУ талабаси

Afsus





СИНГАПУР СИНОВГА ЧОРЛАЙДИ

Yoshlar olimpiadasi

Кейинги йилларда дунёнинг турли бурчакларида ўтказилаётган халқаро турнирлар, чемпионатлар ватандошларимиз иштирокисиз ўтмайдиغان бўлиб қолди. Бу ҳар бир юртошимизнинг қалбига чеҳриси фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Энди ўсиб-униб келаётган ўғил-қизлар хорижий мамлакатлардан катта муваффақият билан қайтаётган акаю опаларига ҳавас қилиб, спортга ошно тутинмоқда, малакали мураббийлар фаолият юритаётган жисмоний тарбия тўғрисида мунтазам қатнашмоқда.

Жорий йилнинг 14—26 август кунлари Сингапурда биринчи бор ўсмирлар ўртасида Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Бу спорт оламида ўзига хос бурилиш бўлади. XXI аср фақатгина илф-фан, техника борасида эмас, балки илк навбатда инсон шурида қилган ўзгаришлари билан ҳайратланарлидир.

Бир вақтлар Олимпиада фақатгина катталарнинг спорт фестивали бўлган эди, айна кез бошқа соҳалар қатори у ҳам «ёшарди». Бу ҳолат спортни ривожлантириш соҳасига катта диққат-эътибор қаратиб келаётган бизнинг мамлакатимизга ҳам ҳар жиҳатдан мос келади.

Энди дунёнинг энг кучли ёш спортчиларини кимдир билиб, кимдир беҳабар қоладиган чемпионатлар ёки халқаро турнирлар эмас, айнан навқирон авлод ўртасида кечадиган олимпиада ўйинлари аниқлаб беради. Не ажабки, бунга дастлабки мезбон сифатида Осиё қитъаси, аниқ-

роғи, Сингапур танланди.

Бу диёрда йўл олган ёш спортчилар 184та медаллар жамланмаси учун жами 31 спорт тури бўйича ўзаро баҳслашадди. Мусобақаларда 22 нафар спортчимиз 14 спорт тури бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказадди.

Келажакда қандай самара беришини олдиндан айтиш мураккаб бўлган, бироқ бутун дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётган ёшлар ўртасидаги олимпиада мусобақалари маълум маънода катта Олимпиадада «тайёрлов курси» вазифини ўтайди.

Хабарингиз бўлса, мазкур олимпиада мусобақаларида бадий гимнастика, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум, хотин-қизлар кураши бўйича қитъамиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчилар номига пойтахтимиз — Тошкентда кечган саралаш баҳсларида аниқлик киритилди. Ва унда мезбон сифатида ватандошларимиз муваффақиятли қатнашиб, юқорида санаб

ўтилган спорт турлари бўйича олимпиада йўлланмасини қўлга киритди.

Бошқа томондан, саралаш баҳсларининг диёри-мизда ўтказилгани, Халқаро гимнастика федерацияси (FIG), Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF), Халқаро спорт курашлари федерацияси (FILA) каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг давлатимизга ишонч билдиргани ўзига хос маъно-мазмунга ҳам эгадир.

Сўнги вақтда ўзбекистонлик спортчилар эришаётган ютуқлар, қўлга киритилаётган медаллар шодасида боксчиларимизнинг улуши сезиларли бўлаётти.

Халқаро олимпиада қўмитаси қарорига мувофиқ, ўсмирлар олимпиадасига йўлланма берувчи Озарбойжонда ўтказилган биринчи ва сўнги саралаш босқичида жаҳоннинг турли бурчакларидан келган жами 532 нафар боксчи рингга кўтарилди. Табиийки, улар орасида ўзбек чарм қўлқоп соҳиблари ҳам бор эди. Тарих зарбаврақларига алоҳида «имзо» билан кирадиган Сингапур олимпиадасининг бокс бўйича ўтадиган баҳсларида, шу тариқа, Зоҳиджон Хурбобов, Аҳмаджон Мамажонов ҳамда Сардорбек Бегалиев каби боксчилар юрти-

миз номидан рингга чиқадиган бўлди. Улар шунинг учун ҳам масъулият ҳиссини олдиндан туйиб, машғулотларни жиддий тарзда олиб боришарди.

Ўтган йилнинг 5 январида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастурга мувофиқ, қобиляти ва иқтидори шаклланиб бораётган ёш спортчиларимизни улкан спорт баҳсларига пухта тайёрлашга алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Сингапур олимпиадаси бу борада навбатдаги ишончли олимлардан бири бўлишига шубҳа йўқ.

Юртимиз истиқлолга эришганига 19 йил тўладиган айём арафасида ниҳоясига етувчи ёшлар ўртасидаги I Сингапур олимпиадасида вакилларимизга омад ёр бўлишини тилаймиз. Улар дунё спорт мутахассислари ва мухлислари нигоҳлари қадалган буюк майдондан истиқболли порлоқ Ватанга буюк ғалабалар билан қайтишсин.

Зоҳиджон ХОЛОВ



КУЧЛИПАР БАҲСИ

Теннис бўйича дунёнинг биринчи ва иккинчи рақамли ракеткачилари Рафаэль Надаль (Испания) ҳамда Новак Жоквич (Сербия) Торонто шаҳрида ўтказиладиган «Мастерс» туркумига кирувчи халқаро мусобақада ўзаро баҳслашишига тўғри келяпти.

Мазкур маълумот Р.Надальнинг шахсий сайтида мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. 9 август кунига мўлжалланган ушбу матч ҳар жиҳатдан ишқибозлар диққат марказида туришига шубҳа йўқ. Айтиш керакки, бундай гайриоддий тасодиф сўнги бора 1976 йили қайд этилганди.

«Рафа ва Новак бир-бирини жуда ҳам яхши тушунади, улар аллақачон дўст бўлиб кетишган, — дея ёзилади сайтда. — Улар ўртасидаги ўйин эса жуда қизиқарли бўлади».

Надаль ва Жоквич ўртасидаги охириги матч «Уимблдон» турнирида кузатилганди. Бу галги тўқнашув ҳаммасидан кўра шиддатли кечиши тахмин қилинмоқда.

ЎРТА ВАЗНДА ЯНГИ ЧЕМПИОН

Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида кун кеча Дмитрий Пирог ва Даниэл Жэйкобс ўртасида бокс мусобақаси бўлиб ўтди.



Улар WBO таснифи бўйича ўрта вазн тоифасидаги чемпион номига ойдинлик киритиб беришди. Одатда кўпчилик бокс ихлосмандлари оғир вазнли боксчилар ўртасидаги жанглари томоша қилишни хуш кўришади.

Бироқ ўрта вазндаги боксчиларнинг чемпионлик камари учун бўлган мurosасиз кураши ҳам Лас-Вегасдаги аренага йиғилган томошабинларни сеҳрлаб қўйди.

Қизиқарли тарзда муддатидан олдин яқунланган жангда Д.Пирог рақибини нокаутга учратиб, WBO таснифида чемпионлик камари эгасига айланди. Эслатиб ўтамиз, тажрибали спортчи Жэйкобс ҳисобида 20та ғалаба бор.

ИТАЛИЯЛИКЛАР ТРИОСИ

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида сув спорти турлари бўйича навбатдаги Европа чемпионати ўз голиб ва совриндорларини аниқлапти.

Спорт ареналарига ташриф буюраётган мухлислар оқимидан сув спорти кўтара қанчалик оммалашиб бораётганини билиш мумкин. Будапештда кечган мазкур чемпионатда қўтилмаганда италиялик спортчилар ўзларининг ноёб қирраларини намойиш этишмоқда.

Хусусан, тажрибали сузувчилардан бири, бир неча халқаро турнир голиби Лука Феррети 5 километрга сузиш баҳсида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Ундан бироз ортда қолиб, марра чизигини иккинчи бўлиб кесиб ўтган Симон Эрколи кумуш медаль соҳиби бўлди. Тўртинчи ўринни яна бир италиялик сузувчи Симоне Руффини эгаллади.

БАСТОС «МИЛАН»ГА УТМОҚЧИ

Маълумки, Европа футболда айна пайт трансфер «эшиклари» очилган палла. Мазкур жараёнда қитъанинг бир қатор номдор жамоалари амалга ошираётган харидлар кўплаб мухлислар эътиборида тургани табиий ҳол.



Хусусан, Италиянинг бирйўла уч жамоаси — «Интер», «Милан» ҳамда «Ювентус» клублари Бразилия терма жамоаси ва «Лион» (Франция) ҳимоячиси Мишел Бастосга катта қизиқиш билан қарашмоқда, деб хабар берди «Football-Italia».

Пентакампеонлар ҳимоячисига ЖАРда ўтказилган мундиалда кўрсатган ажойиб ўйини туфайли ана шундай талаб пайдо бўлган. Француз наشري «L'Equipe» тарқатган маълумотга кўра, 27 ёшли Бастос учун асосан «Интер» ва «Ювентус» кураш олиб бориши мумкин.

Ҳимоячининг ўзи эса фақатгина «Милан»да фаолиятини давом эттиришга иштиёқи борлигини билдирган. Трансфер «эшиклари» 31 август кунигача очил.

Шаҳина Жўраева тайёрлади.

СПОРТ — ШИДДАТ НАМОЙИШИ

Шайхонтохур туманидаги 102-мактаб қошида ташкил этилган «Ғунча» болалар соғломлаштириш оромгоҳида туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида «Спорт соғлиқ гарови» шиори остида мусобақа ташкил этилди.

Болажонларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишида катта аҳамиятга эга бўлган жисмоний тарбия ва спортга қизиқишни ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мазкур оммавий кўчма спорт тадбири ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинадиган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ташкиллаштирилди.

Мусобақада оромгоҳ дам олувчилари ҳамда мазкур мактабнинг 6-синф ўқувчилари шахмат-шашка, қувноқ, стол тенниси бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази биносини капитал таъмирлаш» объекти бўйича танлов асосида тендер савдоларини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объектнинг бошланғич нархи: 182 000 000 сўм (ҚҚС ҳисоби билан).

Капитал таъмирлаш ишларини бажариш муддати: таъмирлаш ишлари бошланишидан сўнг 90 кун.

Объектнинг капитал таъмирланиши: давлат бюджет ҳисобига амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази.

Тендер савдолари ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази.

Талабгор ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак: айланма маблағлари савдо предмети қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ёки банкнинг кўрсатилган маблағларни ажратиши тўғрисида қафолат хати; ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, ишчи ресурс ва мутахассисларга эга бўлиш; танловда кўрсатилган объектга ўхшаш объектларда иш тажрибасига эга бўлиш; шартнома тузиш учун фуқаролик ҳуқуқлари ва ваколатга эга бўлиш.

Савдоларда маҳаллий ва хорижий қурилиш компаниялари қатнашган ҳолда тендер таклифларини баҳо-

лашда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нархий преференциялар кўзда тутилган: тендер таклифларини баҳолашда қонунчиликка кўра солиқдан озод этилган хорижий хизматлар кўрсатилган таклифлар баҳосига мазкур солиқ миқдори қўшилади.

Тендерда қатнашиш ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун тендер ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш марказига қуйидаги манзил бўйича расмий талаб билан мурожаат этиши керак: Тошкент ш., Юнусобод, 13-қўртал, 49-б (Тел. 233-16-32, факс 233-16-31).

Тендер ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 150 000 сўм.

Оферталар тендер ташкилотчилари томонидан қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент ш., Юнусобод, 13-қўртал, 49-б, УзР ХТВ ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларни ривожлантириш маркази биноси.

Тендер ташкилотчилари томонидан оферталарни очиб Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5, Халқ таълими вазирлиги биносидан.

Оферталарнинг очилиши эълон чоп этилгандан 15 кундан сўнг амалга оширилади.

Tadbir

Дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишда ўзига хос ўринга эга бўлган мусобақаларда зафар қўчган ҳаваскор спортчиларга туман «Камолот» ЁИХ ва оромгоҳ маъмурияти томонидан фохрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари улашилди.

Акобир НОСИРХЎЖАЕВ

